БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 104 (1366)
29 МАЙ ЖУМА 1959 йил
БАҲОСИ 20 тийин

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар тарафлама яхшилайлик

КПСС XXI съезди томонидан белгиланган коммунистик қурилишни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини муддатидан илгари бажариш учун барча совет кишилари бир жон-бир тан бўлиб курашаётган ҳозирги кунда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш катта аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифадир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳар бир совет кишисининг тобора ўсиб бораётган маданий ва маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига маданий-маиший хизматни яхшилаш тўғрисида»ги қарори совет кишилари ҳақида қилинаётган отаоналарча ғамхўрликнинг ажойиб намунасидир. Бу қарорда яқин йиллар ичида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш тадбирлари белгиланган.

Кейинги вақтларда республикамизда, областимиз ва шунингдек пойтахтимиз — Тошкентда ҳам аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, коммунал хўжаликнинг ҳамма соҳаларини ривожлантириш соҳасида анча ишлар қилинди. Тошкентда маданий-маиший муассасалар шохобчалари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозир 650 корхона ва муассаса шаҳар аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатмоқда. Бу йилнинг ўзидагина шаҳарда олти кинотеатр, ўн мактаб, олти болалар боғчаси ва уч болалар яслиси қурилади. Яқин уч йил мобайнида эса шаҳарда маиший хизмат кўрсатадиган 90 дан кўпроқ корхона ва устахона қуриш мўлжалланмоқда.

Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан бу соҳадаги ишлар аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талабларидан орқада қолмоқда.

Областимиз ва шунингдек Тошкент шаҳрининг коммунал хўжалиги, транспорти аҳолининг эҳтиёжини қондирарли даражада ишлаётир деб бўлмайди. Тошкентда кейинги вақтларда янги-янги қурилишлар қад кўтарди, катта-катта уй-жой массивлари вужудга келдики, энди бу ерларда кўплаб меҳнаткашлар ўз оилалари билан истиқомат қилмоқдалар. Лекин бу ерларнинг ҳамма-сига ҳали водопровод етиб борган эмас, ҳаммом, почта бўлими, аптека, ҳатто автомат телефонлар ҳам қурилмаган. Шунингдек бошқа коммунал-маиший корхоналар етарли эмас.

Транспорт ҳаракатида узилишларнинг тез-тез содир бўлиб турааётганлиги, трамвай, троллейбус ва айниқса автобусларнинг графикка қатъий амал қилмасликлари натижасида транспорт ҳаракатида ҳам тартибсизликлар рўй бермоқда.

Сессияда кўрсатиб ўтилганидек кийим тикадиган ва ремонт қиладиган устахоналар томонидан аҳолига кўрсатилаётган маданий хизмат меҳнаткашларнинг талабларига жавоб берадиган даражада эмас. Бу устахоналар заказларни жуда кечикиб бажармоқдалар, бунинг устига кийим-кечакларни бузиб қўйишга ҳам кўп йўл қўймоқдалар. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишда ҳам, умумий овқатланиш корхоналари ишида ҳам кўпгина жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликларни дарҳол бартараф этиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳар тарафлама яхшилаш шу куннинг энг муҳим вазифаларидандир.

Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни ҳозирги куннинг юксак талаблари даражасига кўтаришда маҳаллий Советлар муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитети маҳаллий Советларнинг халқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги ролини ошириш соҳасида бир қанча тадбирларни кўрди, Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтириб, уни молия ва моддий-техника ресурслари билан мустаҳкамлади. Уй-жойларни қуриш ва тақсимлаш, халқ маорифи, аҳолига медицина ва коммунал хизмати кўрсатиш, шаҳар транспорти, тамошахоналар ва савдо корхоналарининг ишларига раҳбарлик қилиш маҳаллий Советлар қарамоғига ўтказилди. Маҳаллий Советлар аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва талабларини тинмай ўрганиб борсалар, омма билан алоқани тобора мустаҳкамлаб, кўп минг кишидан иборат депутатлар ва активларни ишга кенг жалб этганларидагина ана шу хилма-хил ва масъулиятли вазифаларни муваффақият билан амалга ошира оладилар.

Меҳнаткашларнинг ҳаётий эҳтиёжлари тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш, уй-жой қурилишидаги камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўриш, мактаб, касалхона, ҳаммом, водопровод, клуб, магазин, ошхона, транспорт ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи барча корхоналарнинг ишини янада яхшилаш — маҳаллий партия ва совет органлари, бутун жамоатчиликнинг бурчидир. Шунга эришилсинки, меҳнаткашларнинг ҳаётий масалалари Советларнинг сессияларида, ижроия комитет йиғилишларида муҳокама қилиниб турилсин.

Қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш кўп жиҳатдан колхоз правлениеларининг фаолиятига боғлиқ. Областимиздаги кўпгина колхозлар ўз жамоат хўжалигини ривожлантиришнинг етти йиллик перспектив планларини ишлаб чиққанлар ва унда маданий-маиший ишлар ҳамда уй-жой қурилиши масалаларига катта эътибор берилган. Вазифа — бундай планларни барча колхозларда, шунингдек барча совхозларда ишлаб чиқилиб, колхозчи ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинишига ва уларнинг актив иштирокида амалга оширилишига эришишдан иборат.

Аҳолига маданий-маиший хизматни яхшилашда қасаба союз ташкилотларининг роли каттадир. Қасаба союз ташкилотлари уй-жой қурилиши, ишчи ва хизматчиларга маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларини янада яхшилашлари керак. Уй-жой қурилиши планларининг бажарилиши, уй-жойларнинг тақсим қилиниши, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш ишлари устидан, меҳнаткашларга медицина ва коммунал хизмат кўрсатиш устидан доим контроллик қилиб бориш қасаба союз ташкилотларининг эътибор марказида бўлсин.

Партия ташкилотлари ўз эътиборларини маҳаллий Советлар, қасаба союз ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини яхшилашга, уларнинг аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қилаётган ишларини янада сермазмун ва самаралироқ бўлишини таъмин этишга қаратишлари зарур. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилаб, совет кишиларининг куч ва ғайратини КПСС XXI съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифаларни ҳал этишга сафарбар этайлик!

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Боёвут районидаги **«3-Боёвут» совхози** (директори **Рашидов**, партия ташкилотининг секретари **Облоқулов** ўртоқлар). Бу совхоз пилла топшириш планини 110 процент бажарган.

Қуйи Чирчиқ районидаги **Будённий номли колхоз** (раиси **А. Сен Нам**, партия ташкилотининг секретари **Н. И. Пак** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 109,4 процент бажарган.

Верхне-волинск райони (район партия комитетининг секретари **Ғ. Қодиров**, район ижроия комитетининг раиси **Расулов**, район комсомол комитетининг секретари **Фазлиев** ўртоқлар). Бу район пилла топшириш планини 101 процент бажарган, давлатга қўшимча равишда яна 4200 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олган.

Калинин районидаги **Охунбобоев номли колхоз** (раиси **Маликов**, партия ташкилотининг секретари **Юнусова** ўртоқлар), бу район пилла топшириш планини 106 процент бажарган. Пилла топшириш давом этмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

Мактабгача болалар муассасаларини янада ривожлантириш, мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялаш ва уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Мактабгача болалар муассасаларини янада ривожлантириш, мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялаш ва уларга медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда кўрсатиб ўтилишича, бизнинг мамлакатимизда мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялаш соҳасида бир мунча муваффақиятлар қўлга киритилган. Ёш болалар ўлими революциядан олдинги даврдагига нисбатан 7 марта, 1940 йилдагига нисбатан эса 4,5 марта камайган. Ҳозирги вақтда болалар яслилари ва боғчаларида 3.400 минг бола тарбияланмоқда. Совет давлати мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларига бино қуриш ва уларга кетадиган ҳаражатлар учун 1958 йилда 10 миллиард сўм ажратди. Бу эса 1953 йилда ажратилган маблағдан қарийб икки марта кўпдир.

Лекин шунга қарамай, мамлакатимизда мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари етарли эмас. 7 йилликда давлат мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари системасига 103 миллиард сўм сарфлайди, 1965 йилга бориб, бу муассасалардаги ўринлар сони икки баравар ортади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети етти йилликнинг ҳар бир йили учун мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларини ривожлантириш планини тасдиқладилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети мактаб ёшигача бўлган болаларни тарбиялашнинг ягона системасини жорий қилиш мақсадида маҳаллий шароитларни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳозир мавжуд бўлган ясли ва болалар боғчаси типидаги болалар муассасаларини бирлаштириб, ягона мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари тизимига қарор бердилар. Бу бирлашган муассасаларга раҳбарлик қилиш иттифоқчи республикаларнинг маориф министрликлари зиммасига юкланади. Айрим бошқарма ва идораларга қарашли муассасалар бундан мустаснодир.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва иттифоқчи республикаларнинг соғлиқни сақлаш министрликлари зиммасига эса болаларни даволаш ва уларга профилактика хизматини кўрсатиш вазифаси юкланди.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига тасдиқланган планлан ташқари қўшимча равишда мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш тадбирларини кўриш таклиф қилинади. Бу ишлар ишга яроқли биноларни мослаштириш ва мактаб ёшигача бўлган муассасаларнинг планга мувофиқ қуриладиган биноларини арзонлаштириш ҳисобига қилиниши керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети колхозлар ҳисобига доимий ва мавсумий болалар муассасалари қуриш ишини ҳар томонлама рағбатлантиришни ва ана шу мақсадлар учун қурилиш материаллари олишда колхозларга ёрдам беришни таклиф этади. (ТАСС).

ДЎСТЛИК МАКТУБЛАРИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов Афғонистон мустақиллигининг қирқ биринчи йилига қадам қўйиши муносабати билан Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Ҳазрат Олийларига совет халқи, СССР Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номидан табрик телеграммаси юборди.

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев ҳам Афғонистон Бош министри Сардор Муҳаммад Довуд Жаноб Олийларига Совет Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан самимий табрик телеграммаси юборди.

Аминманки, дейилади ўртоқ Хрушчевнинг телеграммасида, Сизнинг Совет Иттифоқига яқинда қилган сафарингиз ҳамда Москвада Сиз билан бўлган дўстона учрашувларимиз ва суҳбатларимиз қўшни давлатларимиз ўртасида тенглик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик принципларига асосланган самарали ҳамкорликнинг янада ривожланишига ёрдам беради.

СССР партия-ҳукумат делегациясининг Албанияда бўлиши

ТИРАНА, 27 май. (ТАСС). СССР партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва делегация аъзоларидан Р. Я. Малиновский, В. И Иванов ҳамда Ф. Д. Думбадзе бугун Албания меҳнат партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Анвар Хўжа, Албания Ҳалқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Мехмет Шеху, Албания меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Бекир Балуку, Лири Белишова ва бошқа кишилар билан бирга Албаниянинг шимолидаги Шкодер шаҳрига жўнаб кетдилар. XV асрда Албаниянинг улуғ саркардаси ва ажойиб қаҳрамони Искандарбек яшаган Фуше-Круя қишлоғида 7 мингдан ортиқ киши тўпланган эди.

Сўнгра совет меҳмонлари Лежа шаҳрида тўхтадилар.

Шкодер шаҳри ёнида совет меҳмонларини шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари кутиб олдилар.

Шаҳар марказига борадиган уч километрлик йўлнинг икки томонида минглаб кишилар саф-саф бўлиб турди. Тўпланганлар Н. С. Хрушчевни ва унинг ҳамроҳларини қизғин табрикладилар. Албан-совет дўстлиги шарафига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Албания меҳнат партияси ва совет халқи шарафига айтилган табрик сўзлари узоқ эшитилиб турди.

Шаҳарнинг марказий майдонида катта митинг бўлди. Митингда Мехмет Шеху ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

* * *

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси аъзоларидан бир қисми ВЦСПС секретари А. А. Булгаков бошчилигида бугун Мати районида жойлашган Карл Маркс номли гидроэлектростанцияга келдилар.

Совет меҳмонларига Албания меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ҳамда маориф ва маданият министри Мануш Муфтиу, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг секретари Хаки Тоска ва Албаниянинг бошқа арбоблари ҳамроҳ бўлдилар.

Меҳмонлар ва уларнинг ҳамроҳлари электростанциянинг машина залини ва бошқарув пультини кўздан кечирдилар.

Сўнгра катта митинг бўлди. Митингда гидроэлектростанция ишчилари, шунингдек Мати ва Мирдита районларидаги қишлоқлардан келган деҳқонлар ҳозир бўлдилар. Митингда Хаки Тоска ва А. А. Булгаков ўртоқлар нутқ сўзладилар.

* * *

ТИРАНА, 27 май. (ТАСС). Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдинов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, Озарбайжон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. А. Везиров бугун Албания бўйлаб сафарга жўнаб кетдилар. Уларга Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Спиро Колека, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзодигига кандидат, Саноат ва кон-руда саноати министри Одил Чарчани, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Василь Натанаили ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Эльбасанга бораётганда атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси қадрдон меҳмонларни самимий табриклади.

Қадимий Эльбасан шаҳрининг аҳолиси Совет Иттифоқи вакилларини кутиб олиш учун алвонлар, байроқчалар ва гуллар кўтариб чиқдилар. Район ижроия комитетининг биноси олдида митинг бўлди. Митингда 20 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Митингни Албания Меҳнат партияси район комитетининг секретари Тома Даляни очади. Митингда Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Спиро Колека ҳамда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдинов нутқ сўзладилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети таъкидлайдики, мамлакат қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш юзасидан сўнгги йилларда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати амалга оширган тадбирлар колхозларнинг жамоат хўжалигини анча мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва бу маҳсулотларнинг таннархини камайтириш имконини берди. Ана шу масалаларни ҳал қилишда қишлоқ хўжалик мутахассислари муҳим роль ўйнадилар, республика колхоз ва совхозларида бундай мутахассислар анча кўпайди, уларнинг состави сифат жиҳатидан яхшиланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мутахассисларнинг роли ва масъулияти ошди. Бир қанча колхоз ва совхозларда мутахассислар ишлаб чиқаришнинг чинакам ташкилотчиси, деҳқончиликдаги, чорвачиликдаги ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги фан ютуқлари ва илғор тажрибаларнинг актив тарғиботчиси бўлиб қолдилар, бу эса пахта, гўшт, сут, сабзавот, картошка, мева ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини жуда оз меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда кўплаб етиштиришга ёрдам берди.

Агрономлар ва механизаторларнинг актив иши олиб бораётганликлари натижасида республика колхоз ва совхозларида квадрат-уялаб чигит экиш, ғўза, маккажўхори ва бошқа экинларни икки томонлама парвариш қилиш кенг қўлланилмоқда, далада ишларининг сифати анча яхшиланди, минерал ўғитлардан ва сувдан анча самарали фойдаланилмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг агрономлари ҳамда механизаторлари атоқли механизаторлардан В. Тюпко, Т. Абдусаматов ва Қ. Кенжаевларнинг илғор тажрибасини ёйиш соҳасида катта иш қилдилар. 1959 йилда республика пахтачилигида 4500 дан ортиқ комплекс механизациялаштирилган бригада ташкил этилди.

Агрономлардан Поп районлик Каттахўжаев ва Қўчқоров, Чуст районлик Тожибоев, Ленин районлик Васильева, Олтинкўл районлик Дергачев, Тўрткўл районлик Жағинов, Амударё районлик Ражабов, Шовот районлик Муҳаммаджонов, Ҳазорасп районлик Веденская, Карши районлик Семьянинов, Жарқўрғон районлик Камолиддинов, Олот районлик Ҳамроев ва бошқа жуда кўп ўртоқлар квадрат-уялаб чигит экиш усулини ҳамда бошқа прогрессив усулларни кенг жорий қилишга ҳар тарафлама ёрдам бердилар, бу эса ана шу районларда пахтачиликни юксалтиришни таъминлади. пахтанинг ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи ҳосилини кўпайтирди.

«Ҳазорбоғ» совхози пахтадан муттасил юқори ҳосил олишга ва давлат планларини ҳар йили тўла бажаришга деҳқончилик маданияти юксак даражада бўлганлиги натижасида эришди, мутахассислар ва совхознинг бош агрономи ўртоқ Мирҳабибов деҳқончиликдаги юксак маданиятни жорий этиш соҳасидаги ишларга бошчилик қилдилар. Бу совхозда пахтачиликда ишлаб турган ҳар бир ишчи ҳисобига 7 тоннадан ортиқ пахта етиштирилмоқда.

«Совой» совхозининг мутахассислари ва бош агрономи ўртоқ Г. И. Камерцель самарали ишлаётганликлари натижасида совхозда пахта-беда алмашлаб экиши ўзлаштирилди, минерал ўғитларнинг юксак даражада таъсирчан бўлишига эришилди. Қишлоқ хўжалигидаги ҳар 100 гектар ер ҳисобига ғўшт ва сут етиштириш жиҳатидан совхоз республикада олдинги ўринлардан бирида бормоқда. Совхоз пахта, беда, маккажўхорининг гибрид уруғлари ва бошқа экинларни етиштириш планларини муттасил ортиги билан бажариб, бу экинлардан ҳамиша юқори ҳосил олиб келмоқда. Бу совхозда ҳар бир ишчи ҳисобига 8 тонна пахта етиштирилмоқда. 1958 йилда совхозда пахта ҳосилининг талайгина қисми машинада териб олинди. Совхоз мутахассислари маҳсулот етиштиришга бўладиган сарфларни камайтириш соҳасида катта иш қилмоқдалар — 1958 йилда бир центнер пахтанинг таннархи 156 сўм бўлиб, бунинг учун 3,3 иш куни сарфланди.

Кўпгина колхоз ва совхозларда зоотехниклар ва ветеринария ходимларининг ёрдами билан йирик қорамоллар қўлда боқишга кўчирилди, бузоқлар онасидан ажратиб боқилмоқда, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий қочириш, қўйларни барвақт қўзилатиш усуллари жорий этилди. Чўчқачилик фермаларида чўчқалардан бир ва бир неча марта бола олиш усулидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Чорва молларни бўрдоқига боқиб семиртириш ва етилтириб боқиш яхши ташкил этилган. Наслчилик ишини яхшилаш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва фермадаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштириш соҳасида катта ишлар қилинмоқда.

Ирригаторлар ҳам суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш системаларини қайта қуриш соҳасида колхоз ва совхозларга катта ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга, кўпгина районларда, колхоз ва совхозларда мутахассислар қониқарсиз ишламоқдалар, зарур даражада ташаббус ва ғайрат кўрсатмаётирлар, барча янги ва прогрессив усулларнинг ташаббускори бўлмаётирлар ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, чорва молларнинг туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар 100 гектар ер ҳисобига маҳсулот олишни ҳамма чоралар билан кўпайтириш планларини бажаришда масъулият сезмаётирлар.

Кўпгина агрономлар ва зоотехниклар ишлаб чиқариш ва истиқбол планларни тузишга етарли эътибор бермаётганлиги натижасида бу планлар кўп ҳолларда бу ишдан унча хабарсиз одамлар томонидан шошма-шошарлик ва расмиятчилик билан тузилмоқда ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, чорвачиликни, пиллачиликни, боғдорчиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтиришда колхоз ва совхозлар ихтиёрида бўлган барча имкониятларни акс эттирмаётир.

Инженерлар ва техниклар машиналардан фойдаланишни яхшилаш, ишларни механизациялаштириш даражасини ошириш, техникадан фойдаланиш ҳамда машина-трактор паркини ремонт қилиш маданиятини ошириш тўғрисида ҳамма вақт ҳам қайғираётирлар, деб бўлмайди.

Сув хўжалигида ишлаётган кўпгина мутахассислар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, хўжалик ичидаги ариқлардан тўғри фойдаланиш ва уларни қайта қуриш, сувдан фойдаланиш масалаларида колхоз ва совхозларга тегишли ёрдам бермаётирлар. Зоотехник ва ветеринария ходимлари чорва моллар туёғининг тез кўпайтирилишига ва чорвачилик маҳсулдорлигининг оширилишига, моллар наслини яхшилаш ва қисқ олишини тугатишга қаратилган зооветеринария тадбирларининг амалга оширилишига эришмаётганликларини кўрсатувчи фактлар мавжуд; бу ходимлар молларнинг озуқа базасини ривожлантириш масалалари билан қониқарсиз шуғулланмоқдалар.

Агрономлар, ирригаторлар, механизаторлар, зоотехниклар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари агротехника билимларини кенг колхозчилар ва совхоз ишчилари оммаси ўртасида пропаганда қилишга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қайд қиладики, область ва районлардаги бир қанча партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ишидаги юксак ролига етарли баҳо бермай, мутахассислар билан тегишли иш олиб бормаётганликлари, самарали ишлаш учун уларга барча зарур шароитларни яратиб бермаётганликлари мутахассисларнинг қониқарсиз ишлаётганлигини кўрсатувчи ана шундай фактларнинг юз беришига сабаб бўлди. Бунинг устига йўл қўйиб бўлмайдиган шундай фактлар ҳам борки, район ва областлардаги партия ва совет ташкилотларининг ходимлари агрономлар, зоотехник ва ирригаторларнинг фикри билан ҳисоблашмаётирлар, мутахассисларни назар-писанд қилмай, уларнинг ишига аралашмоқдалар, агротехника, зоотехника ва сувдан фойдаланиш масалалари юзасидан мутахассисларсиз нотўғри кўрсатмалар бериб юбормоқдалар, мутахассисларнинг қишлоқ хўжалигидаги ролини қамситмоқдалар.

Маълумки, машинада пахта териш пахтачиликни комплекс машиналаштиришда асосий звенодир. Шунга қарамай, область ва районлардаги партия ва совет ташкилотларининг кўпгина раҳбарлари мутахассисларнинг фикри билан ҳисоблашмадилар, бу масалага тегишинча эътибор қилмадилар, пахта териш машиналарига етарли баҳо бермаслик, ундан фойдаланишда ўжарлик қилиш ҳолларига йўл қўйдилар. Бу эса меҳнатнинг жуда кўп сарфланишига ҳамда пахта таннархининг анча қимматлашишига сабаб бўлди.

Алмашлаб экиш деҳқончилик маданиятини оширишда асосий звено бўлиб, бусиз ҳосилдорликни янада ошириб бўлмайди. Кўпгина район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари рахбарларининг алмашлаб экишга етарли баҳо бермасликлари орқасида бу йил бир қанча колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш топшириги бажарилмади.

Ерларининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлган бир қанча районларда, хусусан, Мирзачўлда агрономлар ва гидротехникларнинг эътироз кўрсатишига қарамай, район ташкилотлари манъ этилган зонага шоли экилишига йўл қўйдилар.

Район қишлоқ хўжалик инспекцияларида ишлаётган агрономлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислар кўпинча колхоз ва совхозлар билан мустаҳкам алоқа боғлаб турмаётирлар, прогрессив усулларни қишлоқ хўжалигига жорий қилишда колхозларга етарли ёрдам бермаётирлар, район ташкилотлари бу мутахассисларни идоралаги ишлар, маълумотлар, справкалар, докладлар тузиш, қарорлар ёзиш билан ўралаштириб қўйганликлари учун қишлоқ хўжалик ишларининг сифати устидан давлат контролёри бўлиш ҳақида мутахассисларга берилган ҳуқуқдан фойдалана олмаётирлар.

Бирорта ҳам районда агрономия билимлари ва илғор тажрибаларни ёйиш ўчоғи бўла оладиган ҳамда яхши жиҳозланган агротехника кабинетлари йўқ, инспекциялар ҳузуридаги агрокимё лабораториялари эса бармоқ билан саналри миқдорда бўлиб, улар ҳам агрономия соҳасида тегишли иш олиб бормаётир. Колхоз ва совхозларда тажриба-тадқиқотчилик ишлари ёмон уюштирилган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, область бошқармалари ва совхоз трестлари, шунингдек область ва районлардаги партия ва совет органлари мутахассисларни уй-жой, транспорт билан таъминлаш учун етарли чора кўрмаётганликларини, уларга нормал иш шароити яратиб бермаётганликларини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисобладди. Мутахассисларнинг малакасини ошириш иши яхши йўлга қўйилмаган.

Кўпгина совхозларда бўлим бошқарувчиси, агроном ва бригадирлик вазифаларида махсус маълумоти бўлмаган ҳамда хўжаликни илмий асосда бошқара олмаётган кишилар ишлаётганлигига қарамай, бу совхозларнинг раҳбарлари ёш мутахассисларни ҳар хил баҳоналар кўрсатиб ишга қабул қилишдан бош тортмоқдалар. Кўпгина колхозларда ҳам ёш мутахассисларга ана шундай нотўғри муносабатда бўлинмоқда.

Бир қанча совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг раислари хўжаликни ташкил қилиш ва бошқаришда катта тажрибага эга бўлганлари ҳолда, ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштириб олиш ҳамда амалий ишда кўникма орттиришда ёш мутахассисларга ёрдам бермаётирлар. Шунинг оқибатида кўпинча ёш агрономлар ва бошқа мутахассислар колхоз ва совхозлардаги ишни ташлаб кетиб, бошқа ихтисосларда ишламоқдалар.

Республика колхоз ва совхозлари олдига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва аввало пахта етиштиришни ҳосилдорликни ошириш йўли билан кескин кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, бир миқдор маҳсулот етиштиришга қўл меҳнати ҳамда пул-материал маблағлар сарфлашни камайтиришдан иборат жуда муҳим халқ хўжалиги вазифалари қўйилган. Қишлоқ хўжалигида ишлаётган кўп сонли барча мутахассис кадрлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишни такомиллаштиришга, қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини жорий қилишга жалб этилган ва бу кадрлардан тўғри фойдаланилгани тақдирдагина ана шу вазифаларни муваффақиятлирок ҳал қилиш мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида КПСС XXI съезди қўйган вазифаларни бажариш учун қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалик министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари агрономлар, ирригаторлар, механизаторлар, зоотехниклар, ер тузувчилар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фаолиятини яхшилаш юзасидан зарур чораларни кўрсинлар, токи бу мутахассислар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг чинакам ташкилотчилари, барча янги, прогрессив усулларни жорий этиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг актив курашчилари бўлсинлар.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Николаев областига Ленин ордени топширилди

Бугун Николаев областига Ленин ордени топширилди. Область дон, қанд лавлаги, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтиришда эришган катта муваффақиятлари учун, 1958 йилда давлатга 47,3 миллион пуд галла сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлиги учун бу орден билан мукофотланган эди.

Украина КП область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг тантанали мажлисида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Б. Аристов область вакилларига олий ҳукумат мукофотини топширади.

Орденни область партия комитетининг секретари А. С. Маленкин қабул қилиб олади.

Сўнгра сўзга чиққан область қишлоқ хўжалик илғорлари ўз меҳнатларига юксак баҳо берилганлиги учун партия ва ҳукуматга ташаккур изҳор қилдилар ҳамда етти йиллик топшириғини муваффақиятли бажариш учун ўз кучларини аямаяжакларини айтдилар.

Тантанали мажлисда А. Б. Аристов нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Қишлоқ хўжалик мутахассислари идорадаги ишлардан халос қилиб қўйилсин, мутахассисларга шундай шароитлар яратиб берилсинки, бунинг натижасида улар колхоз, совхоз, бўлим ва бригадаларга агрономия ва зоотехника ёрдамини бемалол бера олсинлар.

2. Белгиланганки, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фаолияти мана шу етти йилликда республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан олинган мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга; пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ҳар тарафлама оширишга, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, барча турдаги чорва моллар ва паррандалар сонини ўстиришга, қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигини ва наслчилик ишини яхши уюштиришга; ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва электрлаштиришни бутун чоралар билан кенгайтиришга, пахтачиликда комплекс механизацияни жорий этишга қаратилмоғи керак.

Қишлоқ хўжалик мутахассислари суғориладиган еларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан самарали фойдаланиш, ўт экишни ва чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантириш, алмашлаб экишни жорий қилиш, картошка, сабзавот, мева ва узум етиштиришни аҳолининг ана шу маҳсулотларга ҳамда саноатнинг ҳомашёга бўлган ва ўсиб бораётган талабларини тўла қондирадиган даражада кўпайтириш; хўжалик ҳисобини бутун чоралар билан жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, бир миқдор маҳсулот етиштиришнинг таннархини ва унга қилинадиган меҳнат сарфларини камайтириш соҳасида актив иш олиб боришлари керак.

Шу мақсада агрономлар, зоотехниклар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассислари:

а) пахтачиликдаги ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларидаги, чорвачилик, паллачилик, боғдорчилик ва узумчиликдаги барча ишларнинг ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъминлашлари;

б) ўз фаолиятларини кундалик оператив ишлар билан чегаралаб қўймай, хўжаликнинг табиий-тарихий ва тупроқ-иқлим шароитларини, амалдаги агротехникани пухта ўрганишлари, барча имкониятлардан фойдаланишлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар тарафлама кўпайтиришга қаратилган ташкилий тадбирларни ҳамда табақалаштирилган агротехника тадбирларини ишлаб чиқиб, бу тадбирларни астойдил амалга оширишлари;

в) қишлоқ хўжалигидаги ҳар 100 гектар ер ҳисобига энг кўп маҳсулот етиштиришни таъминламоқ учун колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини жорий қилишлари;

г) деҳқончилик маданиятини собит қадам билан ошира боришлари, ернинг унумдорлигини ошириш негизи бўлган алмашлаб экишни жорий қилишлари, илғор агротехника усулларини қўлланишлари, минерал ва маҳаллий ўғитларнинг гоят таъсирчан бўлишига, хўжаликларга бириктириб қўйилган ерлардан тўғри фойдаланилишига эришишлари;

д) техникадан фойдаланишни бутун чоралар билан яхшилашлари, комплекс механизациялаштиришни қунт билан жорий қилишлари, техникадан фойдаланиш, машина-трактор паркини ремонт қилиш ва асраш маданиятининг юксак даражада бўлишига эришишлари;

пахта етиштириш соҳасидаги агротехника тадбирларининг машина терими талабларига мос бўлган ва табақалаштирилган системасини амалга ошириб, асосий эътиборни барвақт етиладиган мўл ҳосил тўплашга қаратишлари ҳамда ҳар бир колхоз ва совхозда машинада пахта териш топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаб, шу тариқа етти йилликнинг охирига бориб пахта ҳосилининг асосий қисмини машинада териб оладиган қилишлари;

е) ҳар бир колхоз ва совхозда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг йиллик ва истиқбол планларини ишлаб чиқишга бошчилик қилишлари, жуда оз меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва янада кўпайтириш резервларини аниқлаб олиш ва бу резервлардан тўлароқ фойдаланишга алоҳида эътибор беришлари;

ж) колхозчилар ва совхоз ишчиларининг кенг оммаси, тракторчилар ҳамда колхоз ва совхоз раҳбарлари ўртасида агротехника билимларини кун сайин пропаганда қилиб боришлари; пахтачилик ва чорвачиликдаги ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги илғорлар тажрибаси ва фан ютуқларини ўрганишлари, умумлаштиришлари ва жорий этишлари;

з) чорвачилик фермаларидаги кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни кенг машиналаштиришни таъминлашлари, чорва моллар наслини яхшилашлари, сунъий қочиришни, чорва молларни боқиш ва парваришқилишнинг илғор методларини кенг жорий этишлари керак.

3. Ўзбекистон КП Марказий Комитети кўпгина мутахассислар ўзлари ишлаб турган хўжаликларда тажриба ва тадқиқотчилик ишлари олиб бормаётганликларини нотўғри деб ҳисоблайди, улар агар бундай иш олиб борсалар қишлоқ хўжалик экинларининг янги, сермаҳсулроқ навларини танлаб олиш ва кўпайтиришга, чорва молларнинг наслини яхшилашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тўғри ташкил этишга ёрдам берган бўлур эди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Сув хўжалиги министрлиги, уларнинг область ва районлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари мутахассисларнинг қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва чорвачиликни бошқаришнинг илғор усулларини ишлаб чиқиб, бу усулларни ишлаб чиқаришга жорий қилишга қаратилган тажрибалар ва тадқиқотлар уюштириш ва ўтказиш соҳасидаги ташаббусларини ҳар йўл билан қўллаб-қувватласинлар.

4. Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари:

а) ёш мутахассислардан фойдаланиш ишини қатъиян яхшиласинлар, бу мутахассислар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини бемалол билиб оладиган бўлиши учун уларга зарур ёрдам ва мадад берсинлар;

б) 2—3 йил мобайнида колхоз ва совхозлардаги бўлим бошқарувчилари, агрономлар, бригадирлар, зоотехниклар, ирригаторлар ва механизаторлар лавозимларига олий ёки ўрта махсус маълумоти бўлган кишиларни қўйсинлар;

в) область бошқармаларида, район қишлоқ хўжалик инспекцияларида, совхоз ва колхозларда ишлаб турган агрономлар, механизаторлар, ирригаторлар, зооветеринария ходимлари ва ер тузувчиларни илмий командировкаларга ва илғор хўжаликларга юбориб турсинлар;

г) район ижроия комитетлари ҳузуридаги ишлаб чиқариш-техника кенгашларининг ишига эътиборни кучайтирсинлар, бу кенгашларнинг зиммасига район қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта вазифалар юклатилган;

д) 3—5 йил мобайнида пахтакор ва луб экувчи районлардаги барча қишлоқ хўжалик инспекциялари ҳузурида ҳамда йирик пахтакор совхозларда агрокимё лабораториялари ташкил килсинлар.

5. Область ва район ижроия комитетларининг раислари:

а) бир ой муддат ичида район қишлоқ хўжалик инспекциялари учун тегишли бинолар, шунингдек зарур транспорт ажратиб берсинлар, мутахассисларнинг нормал ишлашини таъминласинлар;

б) район марказларидаги, колхоз ва совхозлардаги қишлоқ хўжалик мутахассисларига нормал машиий шароит яратиб берсинлар, ҳар бир мутахассисни уй-жой, томорқа участкаси билан таъминласинлар, уй қуриб олишда мутахассисларга ҳар томонлама ёрдамлашсинлар.

6. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қишлоқ хўжалик мутахассисларининг малакасини оширадиган ва доимий ишлаб турадиган курсни ташкил этиш тўғрисидаги таклифни бир ой муддат ичида тақдим этиш вазифаси топширилсин.

* * *

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ишонч билдирадики, КПСС XXI съезди қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйган улуғвор вазифаларни муддатидан олдин бажаришни таъминламоқ учун қишлоқ хўжалик мутахассислари — агрономлар, механизаторлар, ирригаторлар, чорвадорлар ўзларининг барча куч-ғайратларини ва билимларини илғор қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ҳамда новаторлар тажрибасини колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига жорий этишга сарфлайдилар.

Ўрта Осиё республикаларининг муваффақиятлари Шарқ халқларига жуда катта таъсир кўрсатмоқда

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишланган илмий сессия 27 майда ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги **А. А. Олтмишбоев** «Ўрта Осиё республикаларида маданий революция — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг энг муҳим якунларидан бири» деган темада доклад қилди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишини, деб таъкидлайди докладчи, объектив суратда прогрессив омил бўлиб, Ўрта Осиё халқларига революционлаштирувчи таъсир кўрсатди. Бу ҳодиса Ўрта Осиё халқларининг ўша даврдаги илғор экономика, шунингдек илғор маданиятдан баҳраманд бўлишларига ёрдам берди. Ана шу илғор маданият рус революцион демократлари ва марксистларининг халоскорлик идеяларини ўз ичига олган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, чоризм даврида Ўрта Осиё Россиянинг ҳуқуқсиз мустамлакаси бўлиб қола берди. Россиянинг ўзи ҳам маданият соҳасида Европадаги бошқа кўп мамлакатлардан орқада қолган эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг галабаси туфайлигина, сиёсий ҳокимиятнинг, барча моддий ва маънавий маданиятнинг революцион пролетариат ва меҳнаткашлар оммаси қўлига ўтганлиги туфайлигина Россия, шу жумладан Ўрта Осиё ҳам чинакам озодлик ва тараққиёт йўлига ўтди.

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь бошлаб берган буюк сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар негизида амалга оширилган маданий революция Ватанимизнинг қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди. Дунёда энг илғор кўп миллатли совет маданияти — шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият барқ уриб ўсди. Ўрта Осиё халқлари социалистик маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши бунга ёрқин мисол бўлаолади. Мамлакатимизнинг бошқа республикаларидаги каби Ўрта Осиёда ҳам маданий революция партиянинг ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш туфайли галаба қилди. Бу сиёсат Ўрта Осиё халқларининг социалистик миллат бўлиб уюшувини ва уларнинг миллий давлатларининг шаклланишини, тенг ҳуқуқ асосида СССР составига кирган иттифоқчи республикаларнинг ташкил топишини таъминлади.

Ўрта Осиё республикаларининг ҳаммасида университетлар, медицина, қишлоқ хўжалик ва техника олий ўқув юртлари ташкил этилди. Бу республикаларнинг Фанлар академиялари ишламоқда. Ана шу илмий муассасаларнинг баъзилари негизида фан соҳалари бўйича иш кўрувчи академиялар ҳам ташкил этилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг бир ўзидагина олий ва ўрта махсус маълумотли 200 мингга яқин мутахассис ишламоқда. Буларнинг сони 1913 йилда бутун чор Россиясида бўлган мутахассислар сонига баравардир. Тожикистон ва Қирғизистон каби унча катта бўлмаган республикаларнинг ҳар бирида олий ва ўрта малакали 50 минг мутахассис ишламоқда. Рус халқи ва СССР даги бошқа қардош халқларнинг олимлари миллий зиёли қатламларни тарбиялаб етиштиришда жуда катта роль ўйнадилар. Ўрта Осиё республикаларидаги фан ва маданият ходимлари ўртасида рус олимлари ва бошқа халқлар олимлари ёрдамининг самарали натижаларини сезмаган биророта ҳам киши йўқ.

Ўрта Осиё халқлари миллий маданиятининг мазмуни ва формасида катта ўзгаришлар рўй берди. Совет маданияти марксизм-ленинизмнинг интернационал идеологияси базасида ва социалистик воқеликнинг муваффақиятлари негизида ўсди. Бу маданият ўтмишда халқларнинг ўзлари томонидан вужудга келтирилган миллий маданиятнинг энг яхши хусусиятларини сақлаб қолиб ва ундан фойдаланиб ,янги социалистик мазмун ва миллий формалар билан ривожланмоқда.

Ҳозирги замон ўзбеклари, қозоқлари, тожиклари, қирғизлари, туркманлари ва қорақалпоқларининг миллий характерида янги ҳислатлар пайдо бўлди. Бу ҳислатлар миллатчиликка ва ўтмишнинг бошқа салбий ҳислатларига ётдир. Меҳнатсеварлик, софдиллик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, совет гуманизми, социалистик Ватанга муҳаббат, коммунизм ишига ниҳоятда садоқат ва тинчлик ҳамда социализм душманларига нафрат билан қараш—бошқа социалистик миллатларнинг характерида бўлгани каби, Совет шарқидаги халқларнинг ҳозирги миллий характерининг энг яхши хусусиятларидир.

Ўрта Осиё халқларининг сиёсий, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятларини эндиликда чет элдаги дўстларимизгина эмас, балки душманларимиз ҳам тан олмоқдалар. Объектив фикр юритиш қобиляти дан маҳрум бўлган кишиларгина Ўрта Осиёдаги социалистик республикалар халқларининг қаёти ва маданияти билан Африка ва Осиёдаги мустамлака халқларининг қаёти ва маданиятини бир-бирига ўхшатмоқчи бўладилар. Улар совет республикаларининг эркин қаёти ва юксак социалистик маданияти тўғрисидаги ҳақиқат гапларни капиталистик мамлакатларнинг халқларига айтиб беришдан қўрқадилар. Бу—табиийдир. Бутун дунёга мустамлака халқларини озод қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатган Улуғ Октябрнинг самарали таъсири билан чет эл шарқи мамлакатларининг халқлари курашга отландилар. Ана шу мамлакатларда миллий озодлик ҳаракати тез кучайиб бормоқда. Кўпгина собиқ мустамлака халқлари ҳозирдаёқ ўз миллий мустақиллигига эришдилар. Мустамлакачилик системаси емирилмоқда ва эндиликда ҳеч қандай куч мустамлакачилик системасини қутқазиб қололмайди. Шарқ халқлари Совет Иттифоқини ўзларининг чин дўсти деб билиб, Совет Иттифоқига умид билан назар солмоқдалар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган ва КПСС XXI съездида қабул қилинган контроль рақамларида Ўрта Осиё халқларининг социалистик экономикаси ва маданиятини янада кучли суратда ривожлантириш ва юксалтириш кўзда тутилган.

СССР халкларининг маданиятида янги тенденциялар, янги қонунлар пайдо бўлмоқда. Бу тенденция ва қонуклар маданиятнинг мазмуни ва формасида рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиради. Маданиятнинг социалистик мазмуни юксалмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиз халқларининг маънавий ижоди энг илғор, энг инсоний ғоялар билан — марксизм-ленинизмнинг интернационал ғоялари билан суғорилмоқда. Миллий форма ҳам ўзгармоқда. Бу форма буржуа маданиятидан мерос бўлиб қолган тор доиралардан қутулиб ривожланиб бормоқда. Бу ҳолни тилда ҳам, музикада ҳам, рақсларда ҳам, миллий маданиятни ифода этувчи бошқа воситаларда ҳам кўриш мумкин. СССР халқларининг, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистон халкларининг кўп миллатли совет маданиятини бундан буён ҳам ривожлантириш ана шу янги тенденциялар ва қонунларнинг тобора ўсиши, мустаҳкамланиши ва кенгайиши билан чамбарчас боғланган.

Докладчи кўп мисоллар келтириб, етти йилликда Ўрта Осиё халқлари олдида миллий маданиятни ривожлантиришда қанчалик катта истиқболлар очилишини кўрсатади. Совет Шарқи халқларининг миллий санъатлари бир-бири билан яқинлаша боради ва бир-бирларини бойитади. Ҳар бир миллий санъатда ажойиб воқеа рўй беради — профессионал санъат миллий санъатнинг оммавий ҳаваскорлик қисми билан тобора маҳкам боғланади. Ана шу ажойиб ҳодиса ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасида мавжуд бўлган тафовутларни йўқотишнинг конкрет ифоласи бўлади.

Докладчи сўзининг охирида уқтириб ўтадики, маданий революциянинг галабаси ва Ўрта Осиё халқларининг дунёда энг илғор кўп миллатли совет маданиятидан баҳраманд бўлишлари буржуа иқчиларининг халқлар «тарихий» ва «тарихий бўлмаган» халқларга бўлинган деган назариясини тамомила рад этади. Совет мамлакатидаги маданий революция барча халқлар ва миллатларнинг маданият ва тараққиётга қобил эканлиги тўғрисидаги маркса-ленинча таълимот тўғри эканлигини исбот этади.

«Совет Шарқида социализм ғалабасининг халқаро аҳамияти» тўғрисида доклад қилиш учун академик **И. И. Минцга** сўз берилади.

КПСС нинг XXI съезди,— дейди докладчи,— Совет мамлакати ўз тараққиётининг янги энг муҳим даврига— коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврига кирганлигини эълон қилди .Ана шу жаҳоншумул тарихий ғалаба социализм қуриш йўлида бундан аввал бажарилган ишларнинг бутун шонли тарихи билан, Совет Иттифоқи халқларининг қаҳрамонона меҳнати билан ва улуғ Коммунистик партиянинг ленинчи билан тайёрланди. Янги, илғор ижтимоий тузум тарихан жуда қисқа вақт ичида тамомила ва узилкесил ғалаба қилди. Халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ғалаба янги, социалистик системанинг бошқа ҳар қандай системага нисбатан устун эканлигини жуда яққол кўрсатади.

Маълумки, В. И. Ленин Октябрь революциясининг халқаро миқёсдаги аҳамиятининг икки томони борлигини кўрсатган эди. В. И. Ленин революциянинг кенг маънодаги аҳамиятини, яъни унинг жаҳон тарихининг бутун боришига, бутун дунёдаги революцион ҳаракатга таъсирини ва шу билан бирга революциянинг тор маънодаги аҳамиятини, яъни революция асосий хусусиятларининг, асосий қонуниятларининг халқаро миқёсда такрорланиши тарихан муқаррар эканлигини таъкидлаган эди.

Революциянинг кенг маънодаги халқаро аҳамияти тўғрисида гапирганда Совет мамлакатининг бутун тарихида революциянинг ҳар бир асосий масаласи жаҳон тарихининг бутун боришига ва шу жумладан Шарқ халқларининг тарихига таъсир кўрсатганлигини таъкидлаш керак.

Коммунистлар мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларини озод қилиш йўлида тинмай, фидокорона олиб борган курашлари туфайли мазлум халқларнинг миллатдорчилиги ва самимий иқрорчига сазовор бўлдилар. Янги типдаги партия, Ленин партияси ташкил топган биринчи кунлардаёқ ўз байроғига: миллий зулм тугатилсин, миллатларга ажралиб чиқиб, ўзларининг мустақил давлатларини тузишгача ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи берилсин, эзилган миллатлар ва эзувчи миллатлар ўртасидаги ҳақиқий тенгсизлик йўқотилсин, деган шиорларни ёзди.

В. И. Ленин империализм даврининг хусусиятларини ўрганиб, миллий озодлик ҳаракати жаҳон социалистик революциясининг таркибий қисмидир, деб хулоса чиқарди. Революцион ҳаракат тажрибаси В. И. Ленининг башорат қилиб айтган ана шу ғаплари тамомила тўғри эканлигини тасдиқлади. Россия ишчилари ва деҳқонларининг 1905—1907 йиллар революциясида олиб борган қаҳрамонона кураши Шарқ халқларини уйготди. Туркияда, Эронда ва Хитойда революциялар бўлиб ўтди. Ҳиндистонда ва бошқа мамлакатларда революцион ҳаракат бошланиб кетди. Аммо Улуғ Октябрь революцияси ўтмишдаги ҳаракатларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада кучли таъсир кўрсатди. Октябрь революцияси империализмга қарши курашда мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларини актив қатнаштириш даврини очиб берди. Эндиликда 30 дан кўп мамлакат миллий ва мустамлака зулмидан озод бўлди.

Социализмнинг ғалабаси революцион халқлар қолоқлик ва иқтисодий асоратни ҳақиқатан ҳам тугатишни истасслар, шу халқлар тарихида муқаррар такрорланадиган умумий туб хусусиятлар борлигини яққол кўрсатди. Докладчи ана шу умумий қонуниятларни Ўрта Осиё республикаларининг тарихига доир материаллар билан кўрсатиб берди. У Ўрта Осиёда социализм қурилиши соҳасида эришилган муваффақиятларнинг Шарқ халқлари озодлик курашининг боришига таъсир кўрсатаётган кўп томонлари ҳақида гапиради.

Ўрта Осиёдаги социалистик республикаларнинг тажрибаси мазлум халқларга қолоқлик ва асоратни тугатишнинг бирдан бир тўғри йўлини, халқ хўжалигини мавж уриб юксалтиришнинг энг қисқа йўлини кўрсатди.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

УРТА ОСИЁНИНГ РОССИЯГА ҚУШИБ ОЛИНИШИНИНГ ПРОГРЕССИВ АҲАМИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН БИРЛАШГАН ИЛМИЙ СЕССИЯГА

Туркистонда ишчилар ҳаракати ва „Правда“нинг тарқалиши

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинди. Бу ўзининг прогрессив оқибати жиҳатидан гоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлди.

Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олишнинг энг муҳим прогрессив оқибатларидан бири шундаки, Ўрта Осиё халқлари, даставвал, ўз тақдирларини буюк рус халқининг тақдири билан абадий боғладилар. Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олиш гарчи чоризмнинг босқинчилик сиёсати билан амалга оширилган бўлса ҳам, лекин у мазлум шарқ халқлари билан Россия халқлари ўртасидаги буюк дўстликка асос солди. Россия ва шарқ халқлари энг революцион синф ҳисобланган рус ишчилар синфи бошчилигида, большевистик партия раҳбарлигида умумий душман бўлган чоризмга қарши кураш олиб бордилар.

Ф. Энгельснинг башорат қилиб, Россия Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнайди, деб айтган сўзларини тарихий тараққиёт тўла исбот қилди.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни Ўрта Осиё забт этилган даврда, Россияда революцион ҳаракат тобора ривожланиб бормоқда эди. Бу ҳол Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдирларига ижобий таъсир кўрсатди. Россиядаги революцион ҳаракатнинг бевосита таъсири остида Ўрта Осиёда ҳам миллий-озодлик ҳаракати бошланиб кетди.

В. И. Ленин, ишчилар ҳаракати билан бир вақтда мазлум шарқ ҳам ғафлат уйқусидан уйғона бошлади, деб қайд қилган эди.

Туркистонда ишчилар ҳаракати 1912 йилдаги Лена воқеаларидан кейин айниқса авж олиб кетди. 1912 йил ёзида Россиядаги ишчилар ҳаракатининг бевосита таъсири остида Тошкентда сапёрлар қўзғолони бўлди. Кейинчалик ишчилар ҳаракати бошқа шаҳарларда ҳам кўтарила бошлади.

Туркистонда ишчилар ҳаракатининг майдонга чиқиши ўлкада марксизмнинг ёйилиши учун, хусусан «Правда» газетасининг тарқалиши учун қулай шароит яратиб берди.

1912 — 1914 йилларда «Правда» газетаси Туркистон шаҳарларида ҳам кенг тарқалди. Тошкент ишчилари «Правда» чиққан куниданоқ уни ола бошладилар. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, Тошкент ишчилари 1913 йилда «Правда» газетасидан 32 нусха олиб турар эди. Ишчилар орасида «Звезда» газетаси ҳам тарқалган. Мен яхши эслайманки, деб ёзади Д. И. Манжара ўз хотираларида, — Н. В. Шумилов кадет раҳбарлари Родичев, Милюков ва бошқалар нутқларининг моҳиятини соддагина қилиб усталик билан тушунтириб берар эди, шунингдек Чхеидзега ҳам ҳужум қилиб қоларди.

Баъзи пайтларда ўртоқ Шумилов большевистик адабиёт, масалан, «Нима қилмоқ керак?» асарини, бир неча бор эса «Звезда» сонларини келтирган. Бу газетани у айниқса зўр ихлос ва қувонч билан топширар эди. Айниқса Ўрта Осиё темир йўли бош мастерскойининг ишчилари «Правда» газетасига якка ва коллектив тартибда обуна бўлиб, уни мунтазам олиб борганлар. Ишчи-правдистлардан Н. В. Шумилов, Д. И. Манжара, В. В. Сахаров, Г. Гузенко, И. Д. Ряховский, А. Федосеев ва бошқалар ишчилар орасида «Правда» материаллари юзасидан катта пропаганда ва агитация ишларини олиб борганлар. Улар «Правда» газетасини пропаганда қилишда катта роль ўйнадилар. «Правда»нинг ҳар сони қўлдан-қўлга ўтар, ўнларча ва юзларча ишчилар томонидан севиб ўқилар эди. «Биз бу газетани севар эдик, — деб ёзади кекса большевик Гололобов, — чунки унда ишчиларнинг эҳтиёжлари ва талаблари тўғрисида материаллар босилар эди, бизнинг оғир ҳаётимиз тасвир қилинар эди».

Оммавий ишчилар газетаси «Правда» учун Тошкент ишчилари ҳам ўз маблағларини юбориб турдилар. Чунончи Ўрта Осиё темир йўли бош мастерскойининг ишчилари газета учун пул юбориб, «Правда» редакциясига «бизнинг чақа пулларимиз ҳам ишчиларни ҳурматли газетамиз орқали бирлаштириш ишида фойда келтиришига қатъий аминмиз» деб ёздилар.

«Правда» газетасининг Закаспий областида ҳам кенг тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор. 1912 йилда Асхабад (ҳозирги Ашхобод), Қизил Арват, Кушка, Чоржўй, Красноводск шаҳарларида, шунингдек Челекан оролида социал-демократик группалар ва тўғараклар ташкил қилинди. Мазкур ташкилотлар Закавказьедаги ташкилотлар билан яқиндан алоқа боғладилар ва улар орқали бошқа нолегал адабиётлар қаторида «Правда» газетасини олиб турдилар. Чунончи Асхабддаги социал-демократик группанинг аъзоси, атоқли большевик Вячеслав Вахнин 1905-1907 йил революциясидан кейин, тор-мор қилинган социал-демократик тўгаракни тиклаш мақсадида «Ганчак» номли арман социал-демократик группа билан алоқа боғлади. Архив маълумотларига кўра, бу ташкилотнинг бошлиғи Карапет Сафарьянц тўгарак раҳбарларига нолегал сиёсий адабиётлар олиш учун адреслар берган. Бу тўгарак аъзолари шундай адабиётларни систематик суратда олиб туриш учун моддий фонд ҳам ташкил қилган.

Вахнин квартирасида социал-демократлар тез-тез учрашиб, мажлислар ўтказиб турар, Маркс, Энгельс, Ленин ва Плеханов асарларини қунт билан ўрганар эдилар. Худди шунингдек РСДРП(б) Боку комитети орқали «Правда» газетасини олиб турдилар ва уни ишчилар орасида кенг тарқатдилар.

1912 йил октябрида Полуян ва Вахнин квартираси тинтилганда ҳукуматга қарши мазмунга эга бўлган бир неча брошюралар, шу жумладан Энгельс, Ленин ва Плеханов асарлари топилган. Булар орасида «Пролетарий» ва большевистик «Правда» газеталари ҳам бор.

Қизил Арват большевиклари ҳам «Правда» газетасини олиб турганлар. Уларнинг раҳбарларидан бири Василий Иванович Иваничев махсус босмахона ташкил қилиб, «Правда» материалларига асосан ишчилар учун прокламация ҳам варақалар нашр қилган.

«Правда» газетаси орқали ишчилар Петербург, Москва, Рига ва бошқа шаҳарларда ишчиларнинг ғалаёнлари бўлаётганлигидан хабардор бўлиб турдилар. Улар Россиянинг марказий қисмидаги ишчиларнинг забастовкаларини маъқулладилар ва улардан намуна олиб, забастовка уюштиришга ҳозирлик кўра бошладилар.

1912 йил охирида Тошкентдан Қизил Арватга А. Зубков деган ишчи келиб, июнь ойида бўлган сапёрлар қўзғолони ҳақида гапириб берди. Бу ҳол ишчиларни яна ҳам рағбатлантириб юборди. Социал-демократлар ишчилар, солдатлар орасида пропаганда олиб боришни кучайтирдилар.

1912 йил 22 октябрида чор охранкаси бундай деб маълумот беради: «Кушка қўшинларида кучли ғалаёнлар бўлмоқда, шу йилнинг 26 сентябрида қандайдир қўзғолон бўлиши мўлжалланган, лекин нима учундир амалга ошмаган».

Мерв социал-демократик ташкилоти РСДРП Марказий Комитети билан алоқа боғлаш ва у ердан директивалар олиш учун Куликов деган кишини чет элга юборган.

1912 йил ёзида Чоржўй социал-демократлари «Правда»дан намуна олиб, Лена олтин конларида зарар кўрган бева хотинлар, етим болалар, ишчилар фойдасига пул тўплаш кампаниясини бошлаб юбордилар. Оз вақт ичида 68 сўм 75 тийин тўпланди. Бундан ташқари Чоржўй тўгараги сапёрлар қўзғолонида иштирок этган кишиларга, газеталарга ёрдам бериш мақсадида ҳам пул тўплай бошлади.

Казанжик деган станцияда 1912 йилда тузилган социал-демократик тўгарак узоқ вақтгача яширин иш олиб борди. Охранка бу тўгарак борлигини фақат 1914 йилда аниқлаган. Бу тўгаракда 17 киши бўлиб, улар системали суратда нолегал «Социал-демократ», легал «Правда», «Северная Правда», «Рабочая правда» деган газеталарни олиб турганлар. Тўгарак аъзоларидан Смоленский, Моргунов, Ефименко, Валуев ва бошқалар «Пролетарская правда» газетасини ишчилар орасида коллектив бўлиб ўқишни ташкил қилдилар. Улар асосан ишчиларнинг эътиборини сиёсий стачкаларга жалб этдилар.

Янги революцион юксалиш даврида вужудга келган ташкилотлардан бири Иван Тимофеевич Фиолетов раҳбарлигидаги Челекен социал-демократик группасидир. Бу ерда сиёсий иш олиб бориш учун барча шароит мавжуд эди. Биринчидан, бу ерда охранка одамлари йўқ даражада эди; иккинчидан бу ерда бешта йирик нефть корхонаси ва олтита майда корхона бўлиб, уларда 1000 дан 1300 га қадар ишчи ишлар эди.

Мазкур группа Боку, Тифлис ва Россиядаги бошқа ташкилотлар билан хат орқали алоқа қилиб турди. Шу билан бирга «Правда» газетасини, кейинчалик «Северная Правда», «Рабочая правда», «Правда труда» газеталарини ола бошлади. Правдистлардан Фиолетов ва Каландадзе уларни ишчилар орасида кенг тарқатдилар. Бу тўғрида охранка бундай деб ёзди: «Каландадзе ҳам Фиолетов обуна бўлган газеталарни олиб туради».

Бундан ташқари ишчиларнинг оммавий газетаси бўлган «Правда»га моддий ёрдам бериш учун маблағ ҳам тўплар ва уни Петербургга Хаустов номига юбориб турар эди. «Правда» газетасини тарқатадиган Челекен ишчилари Агамолянц деган кишининг Петербургда таълим олаётган жияни билан яқиндан алоқа боғлаб, у орқали «Правда» газетасининг ҳар бир сонини, ҳатто мусодара қилинган сонларини ҳам олишга муваффақ бўлдилар.

1913 йилда Қўқон социал-демократлари большевик Кошкин раҳбарлигида «Правда» газетасига обуна бўлдилар. Шу йилнинг октябрида Кошкин Петербургга бориб Қўқон ишчилари томонидан «Правда» учун тўпланган маблағни топширган.

1914 йил январида Қўқон социал-демократлари «За правда» ва «Пролетарская правда» газеталари таъсири остида касаба союзлар ташкил қилишга киришдилар. Натижада контора ишчилари ва приказчиларнинг союзлари тузилди.

Шундай қилиб, 1912-1914 йилларда Туркистон ўлкасида «Правда» газетаси, кейинчалик «Просвещение» журнали кенг тарқатилди. Бу ҳол Туркистондаги социал-демократик ташкилотлар ҳаётида катта воқеа бўлди. Юқорида қайд қилинган матбуот органларида босилган Ленин мақолалари Туркистон большевиклари учун ҳаракат программаси бўлиб хизмат қилди. Бу даврда Ленининг фақат «Правда»нинг ўзида 265 га яқин мақолалари эълон қилинган эди. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, социал-демократик группалар ўзларининг легал ва нолегал ишларини жонлантириб юбордилар. РСДРПнинг Тошкент группаси «Правда» газетасининг редакцияси билан, кейинчалик Ленин бошчилик қилган РСДРП(б) МК чет эл бюроси билан маҳкам алоқа боғлади. Партия Марказий Комитети бу группага раҳбарлик қилди, яширин йўл билан нолегал «Социал демократ» (МК органи) газетасини юбориб турди.

1913 йил октябрида РСДРП(б) Тошкент группаси «Правда» газетасининг таъсири остида «Ташкентский рабочий» деган газета чиқаришга қарор қилди. У газетанинг биринчи сони 1913 йил 13 ноябрда гектографда 65 минг нусхада босилиб чиқди. Газетанинг бир нусхаси В. И. Ленинга юборилди.

«Ташкентский рабочий» газетаси ишчиларнинг ташаббуси билан Тошкент марксистлари группасининг бошлиқларидан Севостьян Георгиевич Едиберидзе раҳбарлигида нашр этилди. Бу газетани нашр қилишда большевиклардан Упмал, Кнопинский ва бошқалар актив иштирок этдилар.

Газетанинг биринчи сонида «Ишчи ўртоқлар!», «Уюшингиз», «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!», «Эдельман босмахонаси ва магазини» деган сарлавҳалар остида материаллар эълон қилинган. Бу мақолаларда ишчиларнинг оғир иқтисодий аҳволи, иш шароитлари, капиталистлар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилиниши ҳикоя қилинади. Петербург, Москва, Боку, Тифлис ва бошқа шаҳарларда ишчилар ўз эзувчиларига қарши курашга отланган эканликлари ҳақида гапирилиб, Тошкент ишчиларини ҳам ўз озодликлари учун кураш олиб боришга чақирилади.

Бу материалларда ишчилар ҳаракатида партиянинг раҳбарлик роли алоҳида қайд қилинган. Пролетариат ва унинг партиясининг ҳозирдаги ва келажакдаги мақсад ҳамда вазифалари очиқ-ойдин кўрсатиб берилган.

«Ташкентский рабочий» газетаси биринчи сони чиқиши биланоқ ёпиб қўйилди. Аммо унинг овози узоқ вақтгача ишчилар ҳаракатида акс-садо бериб турди. Унинг идеяси ишчилар онгида яшаб қолди ва у

Барча куч ва имкониятлардан тўла фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирайлик!

☆

Ёш тюпкочилар

Бекобод районидаги «Победа» колхозининг аъзолари ғўза парваришини намунали ташкил этиб, мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлаётирлар. Айниқса, ўртоқ Эгамқул Назаров бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг иши мақтовга сазовор. Бу ерда юз гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммаси икки томонлама парвариш қилинаяпти. Ғўзага эрта муддатда суперфосфат ва сульфат аммоний аралашмаси билан озиқа берилди.

Ғўза парваришида механизатор Абдуаҳад Бойзоқов яхши натижаларга эришаётир. У шу кунгача 300 гектар ернинг ғўзасини сифатли культивация қилди.

— Машҳур механизатор Валентин Тюпко,— дейди ёш механизатор ўртоқ Бойзоқов,— менда катта тажрибаси қолдирди. Шунинг учун мен ҳам ана шундай ишлаб, бу йил 1500 гектар ернинг ғўзасига икки томонлама ишлов беришга аҳд қилдим. 70 тонна пахтани машинада териб бериш мажбуриятини олдим.

Шунингдек, райондаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Холмат Бойжигитов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ўтган йилларда қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар 70 гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллаяптилар.

Область пахтакорларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашидан кейин дала ишлари жадаллаштирилди. Озиқлантириш биринчи культивация билан қўшиб ўтказилди. Яганалаш қисқа муддат ичида сифатли қилиб тамомланди. Ҳозирги кунда эса бригада ғўзаларига қўш эгатлар орқали сув тараляпти. Бу, мўл ҳосил етиштириш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Ж. ЖОНЖИГИТОВ,
А. УСАНОВ.

Ваъданинг устидан чиқиш учун

Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда 20 дан ортиқ бригада 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилди. Уларнинг бири ўртоқ Я. Ризқибоев бошлиқ бригададир. Бригада аъзолари 160 гектар ерга чигит экканлар. Унинг ярмидан кўпроғига чигит квадрат-уялаб жойлаштирилган.

Ҳозирги кунда бригада аъзолари ғўзанинг иккинчи парваришини тўғаллаш арафасида турибдилар. Бу ишда механизаторлардан Б. Боймонов ва А. Каримов ўртоқлар яхши натижаларга эришаётирлар. Улар кунига 10-12 гектар ернинг ғўзасини культивация қилишаяпти.

Бригадада ғўзаларни тунда суғоришга катта эътибор берилаётир. Х. Мўминов, З. Эргашев, Б. Файзиев каби миришкор сувчилар суғоришни сифатли ўтказаётирлар.

Бригада аъзолари ғўза икки-уч чинбарг чиқарганда ягана қилдилар. Озиқлантириш ҳам биринчи культивация билан бирга ўтказилди. Бригада хўжалик ҳисобига кўчган.

Бригада аъзоларининг мажбуриятлари юксак. Улар чигити квадрат-уялаб жойлаштирилган майдонлардан 50 центнердан, тор-қаторлаб жойлаштирилган майдонлардан эса 45 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун аҳд қилганлар.

Т. НИЗОМИДДИНОВ.

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Ғўзани кетмонсиз парвариш қиламиз

Бригадамиз аъзолари область пахтакорлари кенгаши қатнашчиларининг Мактубини ўқиб-чиқиб, кенг муҳокама қилган эдилар. Мактубда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун ҳозирдан бошлаб ишни пухта ташкил қилиш, ғанимат кунлардан тўғри фойдаланиб, ғўза парваришини кенг авж олдириш зарурлиги оқилона ифода қилинган.

Пахтадан мўл ҳосил етиштираман, кузда хирмонимни баракали қиламан деган деҳқон ана шу Мактубда айтилган маслаҳатларга амал қилса, ютқизмайди, албатта мақсадига эришади. Бунинг учун ҳамма гап бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишда, отни манзилга тезроқ қамчилашда қолган. Нега деганда мўл ҳосилнинг тақдири айни шу кунларда ҳал қилинади. Бу эндиликда ҳаммамизга равшан бўлиб қолди. Кўп йиллик тажрибалар буни бизга кўрсатиб берди.

Мен аввало ғўза парваришида вақтдан тўғри фойдаланмасликнинг ёмон оқибатлари тўғрисида, ўз бошимиздан кечирган аччиқ тажрибалар тўғрисида гапирмоқчиман.

Бизнинг бригадамиз 1957 йили 106 гектар ернинг ҳар гектаридан 39,9 центнердан ҳосил олди. Бу, ҳаммамизни қувонтирди. Афсуски, кейинги йилда ана шу муваффақиятимизни мустаҳкамлай олмадик. Хотиржамлик кайфиятига берилиб кетдик. Ҳамма айбни ноқулай об-ҳавога тўнкаб, ўз айбимизни шу билан ювмоқчи бўлдик. Чигит экиш ва уни ундириб олиш 15-20 кун кечикди. Ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой — август ойи деб яна бир янглишдик. Май ойи ичида бажарилиши лозим бўлган асосий ишлар чўзиб юборилди, айниқса озиқлантиришда катта хатога йўл қўйдик. Озиқнинг асосий қисмини ғўзага август ойида бериб, уни ғовлатиб юбордик. Натижада ҳосил камайиб, ғўзапоя кўпайди, холос. Фақат бир йилнинг ўзида гектаридан олинадиган ҳосилнинг 4 центнердангача камайиб кетганлиги жуда ачинарлидир.

Биз ўтган йилги ана шу камчиликларни такрорламаслик учун бу йил ғўза парваришига барвақт киришдик. Бригадамизда 40 гектар ердаги ғўза квадрат-уялаб, 80 гектарида эса узунасига ва кўндалангига парвариш қилинмоқда. Бу соҳада механизаторимиз Икром Абдиев ҳаммамизнинг ҳурматимизга сазовор

Н. МИРЗАЕВ.

бўлиб ишлаяпти. Биз ҳам машҳур пахтакор Ғанишер Юнусов айтганидай Абдиева ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берганмиз.

Биз бу йил ғўзани озиқлантиришга катта аҳамият бераётирмиз. Ҳар гектар ерга 250 килограмм сульфат аммоний, 150 килограмм суперфосфатга 300 килограммдан чиритилган гўнг аралаштириб солаяпмиз. Бригадамизда 500 тоннадан ортиқ запас гўнг бор. Бундан ташқари, чорвачилик фермасидан кунига 15—20 тоннадан қўйнинг қийини ташиб келтираяпмиз. Бригадамиз аъзолари ғўзанинг иккинчи парваришини, уни тўйдириб озиқлантиришни тамомлаш арафасида турипдилар.

Мана шу долзарб кунларда колхозчиларнинг ҳаммаси дала ишларида актив қатнашяпти. Шарофат Абдуқодирова, Ҳуриниса Сайидкаримова, Саида Турғунова сингари ўнлаб меҳнатсевар колхозчиларимиз кунига 0,4—0,5 гектардан ердаги ғўзани сифатли яганаладилар.

Биз бу йил донгдор пахтакор Ғанишер Юнусов ташаббусига қўшилдик. 120 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан ҳосил етиштириб беришга аҳд қилганмиз. Ваъдамиз чин ваъда. Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор. Ғўзамизда касаллик йўқ. Гектаримиз тўлиқ. Кўчатнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлаганмиз.

Бригадамизда ғўза Ғанишер Юнусовнинг маслаҳатларига амал қилинган ҳолда кетмонсиз, техника ёрдамида икки томонлама парвариш қилинаяпти. 40 гектар ердаги ғўза қатор оралари ҳосилни машина билан териб олишга мослаштириб ишланмоқда. Шу мақсад билан ғўзанинг ўсиш даражасини доимо кузатиб бориш ва бўйининг 80-90 сантиметрдан ошмаслигини таъминлаш учун ана шу карталардаги ғўзаларни парвариш қилишни ҳозирдан бошлаб механизатор Абдиевга биркитиб қўйдик.

Бизнинг бу йилги бутун эътиборимиз область пахтакорлари кенгаши белгилаган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил етиштиришга қаратилган. Бу аҳдни тўла бажариш учун ҳормай-толмай курашаберамиз.

Нозим МИРЗАЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бригада бошлиғи.

Оржоникидзе райони давлатга тухум сотиш йиллик планини бажарди

ОРЖОНИКИДЗЕ. (Телефон орқали олинди). Ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этган паррандачилар катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Район бўйича давлатга тухум топшириш йиллик плани муддатидан илгари ортиғи билан бажарилди. Давлатга 300 минг донадан ортиқ тухум топширилди. Паррандачилар йил охиригача қўшимча равишда яна бир неча минг дона тухум топшириш мажбуриятини олдилар.

Ф. САИДБУРҲОНОВА.

Меҳнатсевар Тошкентсан

Акмал ПЎЛАТ.

Пахтакорсан, меҳнатсевар Тошкентсан,
Бедов миниб, пойгаларда ошгансан,
Шер кучи бор шердек ўғил-қизингда,
Шўх дарёлар оқар сенинг измингда.

Булоқ каби қайнар кучу-ғайратинг,
Пахтазордир олтинга ҳеч давлатинг,
Ваъданг катта. Мўл ҳосилдир шиоринг,
Бир сўзликсан, қатъий азми-қароринг.

Шуҳратингнинг гаровидир чин меҳнат,
Ғўзаларга бўлсин меҳру муҳаббат.
Далаларда жавлон уринг, ўртоқлар,
Машҳур бўлсин колхоз, совхоз, қишлоқлар.

Гулистондан чиққан илғор Ғанишер,
Баҳслашаман, ўртага туш, қани, дер.
Маҳкам тутгин қўлда зафар байроғин,
Ғўзангни сев, ишлов бериб ҳар ёғин.

Толалардан нўлка етсин хирмонинг,
Меҳнат қилсанг зарра қолмас армонинг.

Шуҳратингни кўтариб ол Янгийўл,
Бор кучингни пахтага сол Янгийўл.

Имилламай дадил юр қани Сирдарё,
Чиноз ҳам қолмасин ортда бепарво.
Мўл ҳосилнинг маконисан Бекобод,
Ҳиммат билан эл дилини айла шод.

Мирзачўлу Ховос, Бўка, Гулистон,
Ишга солинг кучни борича имкон.
Ватан, халққа сўз бердинг сен юракдан,
Номусли эр қайтмас орзу-тилакдан.

Ҳар нафасда босгин яна илгари,
Жангда ғолиб қаҳрамонлар сингари.
Пахтакорсан, меҳнатсевар Тошкентсан,
Бедов миниб, пойгаларда ошгансан.

Шер кучи бор шердек ўғил-қизингда,
Шўх дарёлар оқар сенинг измингда.
Савлатингга ярашгулик номинг бор,
Жадаллатгин ишни шонли пахтакор.

☆

Ғўза парваришидаги ўзибўларчиликка хотима берилсин

«Пискент» совхози коллективи бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Шунинг учун кўп бўлимларда, бригадаларда ғўза парвариши жадал суръатлар билан сифатли ўтказилаётир. Бироқ совхознинг ўртоқ Абдуманнон Ғуломов бошлиқ 2-бўлимида ғўзани озиқлантириш, культивация қилиш, суғориш ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

Шу нарса ачинарлики, бўлимнинг 60 процент ердаги ғўзаси текис униб чиққан бўлса ҳам 40 процент ернинг ғўзаси жуда сийрак. Аммо бу май ойининг бошларидаёқ бўлим раҳбарларига маълум бўлгани ҳолда ола чиққан жойларга қайта чигит экишга бепарволик билан қаралди.

Ғўза парвариши Каромали Назиров бошлиқ II-бригадада ёмон ташкил этилган. Ғўзалар кўллатиб суғорилаётир. Чопиқ тракторларига ҳанузгача СУЗ осилмаган.

Бўлимда ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаётир. Мавжуд 552 кишидан ғўза парваришида 350—400 киши қатнашмоқда. Ана шунинг натижасида ҳозиргача культивация 35 процент, яганалаш 30 процент, озиқлантириш 40 процент, суғориш иши 65 процент бажарилди.

Ғўзани суғориш иши Обид Файзиев, Тўлаган Шокиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ёмон ташкил этилган. Юз гектар майдондаги ғўзанинг эндигина 20 гектари суғорилди. Ўртоқ Довурбоев бошлиқ 8-бригада сувчиси Аббосов бўлса, ғўзага сувни пала-партиш тараяпти, натижада айрим жойлар кўллаб кетган, айрим жойларга мутлақо сув чиқмаган.

Бўлимнинг Ҳамид Шоматов, Абдулла Раҳимов, Бўрон Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам аҳвол ана шундай. Бу бригадаларда шу маҳалгача ғўзанинг биринчи парвариши тамомланганги йўқ.

Бўлим раҳбарлари ғўза парваришида юз бераётган бу камчиликларни тўгатиш учун зарур тадбирларни кўришлари лозим. Акс ҳолда ғўза парвариши яна ҳам кечикиб, мўл ҳосил етиштириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида бўлим орқада судралиб қолиши аниқ.

Х. РАСУЛЕВ,
М. РАСУЛЕВА.

Қуйи Чирчиқ ва Қорасув районлари пилла топшириш планини бажарди

Қуйи Чирчиқ район пиллачилари баҳорги пилла қурти боқишни намунали ўтказиб, давлатга пилла топшириш планини муддатидан илгари ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 2,4 тонна кўп пилла топширилди.

Район пиллачилари қўшимча равишда яна тўрт тонна пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

Қорасув район пиллачилари ҳам уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, давлатга пилла топшириш планини ортиғи билан бажардилар.

Пилла топшириш давом этмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1959 ЙИЛ 28 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсиш
Мирзачўл	133,3	12,8
Верхне-волинск	120,8	19,8
Қуйи Чирчиқ	107,4	16,4
Қорасув	104,3	17,1
Урта Чирчиқ	97,0	16,9
Боёвут	80,5	25,8
Гулистон	74,9	23,1
Чиноз	71,7	24,2
Оққўрғон	71,3	11,7
Бекобод	69,0	8,4
Калинин	67,2	17,1
Сирдарё	62,7	17,2
Оржоникидзе	55,9	12,7
Пискент	45,0	7,9
Янгийўл	41,8	15,1
Бўка	19,0	7,3
Юқори Чирчиқ	16,1	6,1
Оҳангарон шаҳри	11,9	4,1
Бўстонлиқ	4,3	1,4
Олмалиқ шаҳри	0,3	0,1
Паркент	0,2	0,2
Янгиер шаҳри	—	—
Область бўйича	32,3	10,3

☆ ☆

Аҳолига мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари етказиб берайлик!

Олинган мажбуриятга яраша ишлаш керак

Қорасув райони картошка, сабзавот ва полиз экинларининг ялпи ҳосилини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини ошириш мақсадида Калинин райони билан мусобақалашди. Яқинда биз мусобақадошларимиз далаларида бўлиб, эртаги экинларнинг парвариши ва кечки экинларни экишнинг бориши билан танишиб чиқдик.

Район колхозларида ва «Тошкент», «Назарбек» совхозларида олинган мажбуриятни бажариш йўлида баъзи бир ишлар қилинган. Эртаги экинлар экиш плани айрим турлари бўйича бажарилган. Буларни парвариш қилиш иши ҳам бир мунча дуруст бораётибди. Шу билан бир қаторда айрим хўжаликларда экинларни планга нисбатан оз экиш ҳоллари ҳам учрайди.

Район бўйича 739 гектар ерга пиёз экилиши керак эди. Бироқ бу ишга етарли аҳамият берилмаганлиги туфайли 711 гектар ерда пиёз ўстирилаяпти. Шуни ҳам айтиш керакки, бу экинни парвариш қилиш иши анча қониқарсиз бораётир. Масалан, «Назарбек» совхозида 66 гектар ердаги пиёз ниҳоятда сийрак чиққан. 20 гектар ердаги пиёзни эса ўт босиб кетган. Бундай аҳволни «Москва», «Октябрь самараси» колхозларида ҳам учратиш мумкин.

Колхоз ва совхозларда пландаги 954 гектар картошка ўз вақтида экилган бўлса ҳам, уни парвариш қилиш кўнгилдагидек эмас. Кечки картошка экиш ишига эса эътиборсизлик билан қаралмоқда. Пландаги 3970 гектар ўрнига 25 майга қадар фақат 1539 гектар ерга кечки картошка экилган.

Айрим колхозларда кечки картошка сифатсиз экилмоқда. Масалан, «Қизил шарқ» колхозининг ўртоқ Бўри Нурматов бошлиқ бригаласида 8,5 гектар ерга экилган картошка ҳалигача униб чиқмаган. Чунки бригадада ер яхши ишланмаган, картошка уруғлиги анча саёз ташланган. «Тошкент», «Назарбек» совхозларининг айрим бригадаларида ҳам аҳвол шундай.

Полиз экинлари экиш ишида ҳам суст кашлиқка йўл қўйилаётир. Ленин номли, Хрушчев номли, «Москва» колхозларида ва «Назарбек» совхозида 300 гектарга яқин ерга ҳанузгача қовун-тарвуз экилгани йўқ.

Район бўйича 2 минг 56 гектар ерга маккажўхори экиш планлаштирилган. Бироқ эндигина 1993 гектар ерга маккажўхори экилган. парвариши яхши уюштирилмаётир. Шу кунгача 269 гектар ердаги маккажўхори чопилган, 279 гектар ердаги экин кўндалангига культивация қилинган, 203 гектар ердаги маккажўхори озиқлантирилган.

Ҳозир картошка, сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштиришда масъулиятли давр ҳисобланади. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ғанимат фурсатлардан фойдаланиб, эртаги экинларни парвариш қилиш ва кечки экинларни экиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилишлари керак. Айниқса, кечки картошкани квадрат-уялаб жойлаштиришга катта аҳамият беришлари зарур.

А. Х. МУҲИТДИНОВ,
Қорасув район ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи.

Қишлоқ меҳнаткашларига почта хизматини яхшилайлик

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати почта алоқаси ишини яхшилаш масалаларига жиддий эътибор бермоқдалар. Чунки алоқа хўжалигининг бу воситаси жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, узоқ-узоқ жойларга ҳам, аҳоли кам яшайдиган пунктларга ҳам бориб ета олади.

Ўзбекистон ССРнинг қишлоқ жойларидаги алоқа корхоналарининг салмоғи тўхтовсиз кенгайиб бормоқда. Қишлоқ алоқа корхоналари ҳамма алоқа тармоқларининг 80 процентини ташкил қилади. Айниқса Тошкент областида почта алоқаси кенг ривожланган. Шуни айтиш кифояки, кейинги уч йил ичида почтахоналар сони 2 марта ортди. Янгидан ташкил қилинган совхозларнинг марказлари, шаҳарлардаги саноат корхоналари почта-телеграф операцияларининг ҳамма тури билан шуғулланадиган стационар точкаларига эга.

Ҳар куни областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги аҳоли почтальонлар орқали 160 минг нусха газета, журнал, 40 мингга яқин хат, посилка ва бандероль, 6 мингга яқин пул переводлари олиб туради. Алоқа корхоналари орқали ҳар ойда 35 минг пенсионер давлат томонидан белгиланган кексалик ва меҳнат пенсиялари олади.

Почтани ўз вақтида эгасига етказиб бериш, унинг ҳаракатини тезлаштириш, айниқса қишлоқ аҳолисига почта хизматини яхшилаш бизнинг муҳим вазифамиздир.

Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1958 йил сентябрь ойида почта ва газета-журналларни қишлоқ аҳолисига етказиб бериш ишларини яхшилаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Қарор алоқа ва қишлоқ хўжалиги органлари, шунингдек район ижроия комитетлари раҳбарлари зиммасига колхоз ва совхоз почтальонлари составини қайта кўриб чиқиш, уларнинг сафини, ишчан, малакали, айниқса 10-синфни тугатган ёшлар ҳисобига тўлдириш вазифасини юклаган эди. Шунингдек мазкур қарорда ҳар бир колхоз ва совхозда қанча почтальон бўлиши лозимлиги ҳам яна бир бор кўрсатиб берилганди.

Бу қарор колхоз ва совхоз почтальонларидан бошқа ишларда фойдаланишни ва район ижроия комитетларининг руҳсатисиз уларни алмаштиришга чек қўйишни талаб қилади.

Лекин шунга қарамай, айрим алоқа органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ҳатто район Советларининг ижроия комитетлари бу масаланинг ниҳоятда муҳим эканлигини тушуниб етмаганлар, уни тўла бажаришга ҳаракат қилмаётирлар.

Бекобод районидаги «Победа» колхози (раиси ўртоқ Абдураҳимов) правлениеси почтальонлар танлаш масаласига юзаки қарамоқда. Бу-ка районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам аҳвол шундай. Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз раиси ўртоқ Шин Ден Дин бу ишга ишчан, саводли кишиларни қўйиш ҳақидаги кўрсатмани бажармай келаётир.

Чиноз районидаги Свердлов номли колхоз почтальони 28 февралдан 15 мартгача янги газета ва журналлар олиш учун почтахонага келмаган. Бунинг натижасида колхозчилар икки ҳафтагача газета ва журналларнинг янги сонларини олмаганлар.

«Малик», 1 ва 2-«Далварзин», 1, 3, 4-«Боёвут», «Фарҳод» ва «Дружба» совхозларининг директорлари бўлимлардаги меҳнаткашларга почтани ўз вақтида етказиб бериш учун почтальонлар ажратиш ўрнига бу муҳим ишни зиммасида бошқа топшириқлари бўлган кишиларга юклаганлар. Бунинг натижасида ишчи ва хизматчилар обуна бўлган нарсаларини ўз вақтида ололмай қоладилар. Келган газета, журнал, хат-хабарлар совхоз марказидаги идорада тўриб қолаверади, улар обуначининг қўлига бориб етмайди.

Айрим колхоз почтальонлари почта маркаларини тарқатмайдилар, аҳолидан хат-хабарлар, пул ва посилкалар қабул қилмайдилар. Баъзи колхоз ва совхоз почтальонлари эса пул тўлаб олинадиган хатларни олиб боришдан бўйин товлайдилар.

Шу чоққача Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ ва бошқа районларнинг ижроия комитетлари почтальонликни уддалай олмайдиган кишиларни алмаштириш ва ҳамма корхона ва муассасада почтальон тайинлаш, уларни тасдиқлаш ишларини тугалламаганлар.

Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, алоқа бўлимларининг бошлиқлари Республика Министрлар Советининг қарорини бажаришга ниҳоятда совуққонлик билан қарамоқдалар.

Колхоз ва совхозларнинг почтальонлари газета, журнал, хат, пул переводлари олиб бориб бериш каби ишлардан ташқари почтахона бўлмаган пунктларда аҳолидан хат, пул ва бошқа нарсаларни қабул қилишлари ҳам лозим. Шу сабабли ўзўзидан равшанки, почтальон саводли, маданиятли киши бўлиши, тез ва чаққон хизмат қилиши лозим.

Алоқа бўлимларининг раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор беришлари ва СССР Министрлар Советининг қарорини тўла бажариш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим. Бу соҳада уларга район Советларининг ижроия комитетлари ва маҳаллий партия, комсомол ташкилотлари яқиндан ёрдам беришлари зарур.

С. ПАНУСЯНЦ,
область алоқа бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЁЗНИНГ ЁЗУҒИ— ҚИШНИНГ ОЗИҒИ

Қуёш терак бўйи кўтарилиб қолган. Эрталабки оромбахш шабада эсиб турибди. Район марказига олиб борадиган катта йўлнинг чап беткайида қулф уриб ўсаётган яхлит экинзор майдон кўзга ташланади. Квадрат-уялаб жойлаштирилган бўлиқ маккажўхори туплари бир текис бўй тортиб қолган. Эгатлар оралаб картанинг у бошидан бу бошига беҳатар бориб келаётган универсалнинг янгроқ овози равон эшитилади.

Маккажўхори пайкали билан бедазор оралиғидаги уватда раис Жаббор Рустамов, агроном Пўлат Сиддиқов, ем-хашак бригадасининг бошлиғи Тўрахон ака, сувчи Қосим ота экинзорга тикилганларича аллаламалар тўғрисида гаплашиб турарди.

— Экининг бўламан дегани шуда, — деди раис чап биқинида турган агрономга юзланиб мамнун қиёфада, — ранг-рўйи расо етилибди, болдирларини қаранг, ҳалитдан бақувват.

— Кеча яқиндагина келиб кетганимда кўримсиз, қилтиллаб турган нимжон нарса эди, мана энди ўзини кўрсатибди, — раиснинг гапини маъқуллади агроном.

Бригада бошлиғи Тўрахон ака бир туп жўхори тегида қолиб кетган бегана ўтни юлиб олди-да, четроққа улоқтирди ва бамайлихотир гапира кетди.

— Қаловини билсанг қор ёнар, деган гап бор, Қосим ота билан Ваҳоб ота шу ерда кўз-қулоқ бўлиб туришибди, ҳар иккаласи ҳам кўзлик деҳқон, улар тилини билмаган экин йўқ. Барака топкур Собиржоннинг ҳам хизмати катта.

Бригадирнинг мамнун бўлиб айтишича, универсалчи йигит Собиржон Искандаров квадрат-уялаб экилган шу ўттиз гектарлик яхлит маккажўхори картасига ўз агрегати билан икки марта комплекс ишлов берибди. Ҳозир кўндалангига учинчи марта культивация қилаётган экан.

Гапнинг ҳонаси келганда Қосим ота ҳам суҳбатга аралашди,

— Бундоқ ўйлаб қарасам, — деди у кексаларга хос вазминлик ва донишмандлик билан, — ота-бободларимиз ёзнинг ёзуғи—қишнинг озиғи деб худди шу маккажўхорини айтганларми деб қўйдим. Ўзиниям турган-битгани емиш экан, негаки, молларимиз қиши билан силос еб чиқди, нушхурт чиқарганини билмайман, яна гарчча донини айтмайсизми. Мен сизларга айтсам, қанча силос бостирсак ҳам озлик қилади.

— Озиқлик от ҳоримас денг, — раис қўшиб қўйди.

— Ҳа балли, айни дилимдагини айтдингиз, — деди Қосим ота пешона ажинлари орасида билинарбилинмас йилтиллаган терни дастрўмолчаси билан арта туриб.

Ўват ёқалаб борар эканмиз, гап экиннинг авжи устида борарди. Тўрахон ака бунга осоналикча эришилмаганлигини айтди.

— Ўзиниям шу сафар культивация билан бир вақтда азотга суперфосфат аралаштириб дориладик, бир неча кун қантариб қўйилгандан кейин кетидан пуштасигача захлатиб суғордик. Ахир ишлов билан шунчалик бўлиб қолди-да.

— Энди пайкалга трактор киролмаса керак, ёки яна бир ишлов бериладими? — қизиқсиниб сўрадик.

Агроном бизнинг саволимизга жавоб бераркан, шу галги суғоришдан сўнг аввал узунасига, ундан кейин кўндалангига яна бир бор культивация қилинишини айтди. Дарҳақиқат бир ҳафта, нариси билан ўн кундан кейин маккажўхори попук чиқариб, дон олишга яқинлашиб қолган кўринарди.

Картанинг этагига келиб етганимизда раис бирдан юришини секинлатди-ю, бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Тўрахон ака, пича ўтинқиратиб қўйибсиз-ку!

— Ўзим ҳам ҳали яқинда, сизлар келишдан олдин пайқаб қолдим. Собиржонга тайинлаганман, тушдан кейин универсалини олиб ўтади.

Картани этаклаб ўтиб, келган томонимизга қараб юрдик. Йўлакай гаплашиб бормоқдамиз. Бизнинг қизиқсинганимизни сезди шекилли, агроном Сиддиқов маккажўхорини экишдан тортиб то ўриб-йиғиб олиш ва силос бостиришгача бўлган иш процесслари билан таништирди.

— Фақат суғоришини демасангиз, қолган ҳамма иш машиналар ёрдами билан бажарилади. Ер трактор билан ҳайдалади, уруғ агрегатда экилади, экин универсал билан культивация қилинади, комбайнда ўрилади, сўтаси ажратилиб, пояси қирқилади, силос бостиришга тайёрлангач, автомашиналарда махсус чуқурларга элтиб тўкилади. Ҳозирча шу ўттиз гектар ердаги маккажўхорини, мана бу уватнинг нариги ёғидаги сули аралаш сепилган бедазорни уч киши — универсалчи билан икки сувчи жойғаштириб турибди. Ўрим-йиғимда эса қўл меҳнати унчалик талаб қилинмайди, асосан ҳамма ишни комбайнер билан шоферларнинг ўзлари сарамжон қилиб ташлайди.

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида бу йил маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирилаётир. Бу соҳада янги прогрессив иш усулининг афзалликлари ҳозирданоқ ўзининг илк нишоналарини кўрсатмоқда.

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.



Суратда: колхозининг 8-бригадасида маккажўхорини культивация қилиш пайти.
В. Салов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„МИНЕЕВНИНГ УЙҚУСИ“

Газетамизнинг шу йил 3 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган хабарда Чирчиқ шаҳридаги болалар касалхонаси ремонти шаҳар ремонт-қурилиш конторасининг бошлиғи М. Минеевнинг айби билан бир йилдан бери тугалланмай келаётгани тўғрисида ёзилган.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Муҳамедовнинг редакцияга маълум қилишича, газетанинг танқиди ремонт ишларини жадаллаштиришга ёрдам қилган.

Ўрта Осиё республикаларининг муваффақиятлари Шарқ халқларига жуда катта таъсир кўрсатмоқда

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўрта Осиёдаги социалистик республикаларнинг эришган муваффақиятлари Шарқ халқларига жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Совет ҳукуматининг миллий сиёсати империализми ҳимоя қилаётган «олимлар» ва сиёсатдонлар томонидан энг кўп сохталаштирилаётган масалаларнинг биридир. Қалбакилаштиришнинг асосий усули Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан тортиб ҳозирги пайтгача совет сиёсатини эски, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш сиёсати деб кўрсатишлан иборат. Барча халқларнинг ягона Совет Иттифоқига ўз ихтиёрлари билан бирлашганликлари ва бу бирлашув халқлар дўстлигига асосланганлиги мустамлакачиларни жон талвасасига солиб қўймоқда. Мустамлакачилик идеяларе Ўрта Осиё республикаларининг ўсаётган таъсирига қарши курашда бу дўстликнинг моҳияти ва характерини бузиб, шу дўстлик идеясига ҳужум қилмоқдалар. Мустамлакачиларнинг ана шу дўстликка қарши қилаётган қуруқлари халқларимиз қардошлиги намунаси, яъни душманга қарши биргаликда кураш олиб бориш ва биргаликда меҳнат қилиш жараёнида чиниққан ана шу қардошлик намунаси халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини исбот этади, холос.

Ҳақиқатни, деб таъкидлайди докладчи, халқлардан яшириш мумкин эмас. Ўрта Осиё республикаларига саёҳат қилиб келаётган кўп кишилар совет миллий сиёсатининг тўғри сиёсат эканлигини кўриб ишонч ҳосил қилмоқдалар. Совет Шарқида социалистик қурилиш соҳасида эришилган буюк муваффақиятларни ўз кўзлари билан кўриб турибилар.

Эрталабки мажлисда сессия номига Украина ССР Фанлар академиясидан келган табрикнома ўқиб берилди.

Бирлашган илмий сессияда тингланган докладларни муҳокама қилиш бошланди.

* * *

27 майда Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишланган бирлашган илмий сессияда докладлар юзасидан мунозаралар бошланди.

Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти **И. К. Охунбоев** биринчи бўлиб сўз олади. У, рус олимларининг қирғиз халқи фан ва маданиятини ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссаси тўғрисида гапиради. Қирғизистон қадимий маданият мамлакатидир. Қирғизистон аҳолиси бронза ва илк темир даврида ёқ юксак даражага кўтарилган эди. Аммо, шундан кейин узоқ давом этган ва вайронгарчилик келтирган урушлар Ўрта аср Қирғизистонида маданиятнинг ривожланишини тўхтатиб қўйди. XIX асрнинг бошида қирғиз халқи Қўқон хонларининг зулми остида қолди. Айни вақтда, инглиз мустамлакачилари Ўрта Осиёнинг маҳсулдор ерларига, шу жумладан, Қирғизистон тупроғига ҳам ўз чангалларини сола бошладилар. Қирғизистоннинг Россия составига кириши қирғиз халқининг тарихий тақдирида катта воқеа бўлди. Қирғиз халқининг улуғ рус халқи билан дўстлиги бошланиши, рус халқи моддий ва маънавий маданиятининг, рус халқи революцион ҳаракатининг қирғизларга кўрсатган таъсири ана шу воқеанинг энг муҳим натижаси бўлди.

Чоризм ўз империясининг кенг чекка ўлкаларида оғир мустамлакачилик зулми тартибларини ўрнатди. Аммо, рус фанида демократик йўналиш ҳам бор эди. Илғор рус олимлари, жамоат арбоблари, ёзувчилар қирғиз халқининг маданияти ва турмушига гоят қизиқиб қарадилар, қирғиз халқини прогрессив рус маданиятидан баҳраманд қилмоқ учун кўп иш қилдилар.

Нотиқ Совет Қирғизистонида фан ва маданиятнинг кучли суратда ривожланаётганлиги тўғрисида гапириб айтадики, Россия Федерацияси ва бошқа қардош совет республикалари олимлари, маданият ва санъат арбобларининг қирғиз халқига кўрсатган жуда катта ёрдами натижасида ана шу юксалишга эришилди.

Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги **А. М. Баҳовуддинов** қуйидагиларни айтди: Совет фани тарихий ҳақиқатни тиклади ва Ўрта Осиёда етишган ҳамда улуғ рус халқи билан яқинлашиш ва дўст бўлиш учун, рус маданиятини ўрганиш учун курашган илғор прогрессив мутафаккирларнинг номлари халқ ўртасида машҳур бўлиб қолди. Аммо, деди у, ҳозирги вақтда ҳам тарихий фактларни янглиш талқин қилаётган кишилар бор.

Россия ва унинг чекка ўлкаларида яшаган халқларнинг тарихи, деди нотиқ, халқлар ўртасидаги адоватни йўқотиш тарихи ва уларни улуғ рус халқи теварагига аста-секин жипслаштириш тарихидир. Ўрта Осиё халқларининг рус халқи билан дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам берган мутафаккирларнинг фаолиятини тобора чуқур ўрганиш — гоят муҳим вазифадир.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти Туркманистон филиалининг старший илмий ходими **К. И. Дзевенис** гражданлар уруши йилларида Советлар ҳокимияти учун олиб борилган курашда Ўрта Осиёдаги маҳаллий миллат меҳнаткашларининг иштироки тўғрисида гапирди.

Қорақалпоғистон педагогика институтининг директори, тарих фанлари кандидати **С. К. Камолов** минбарга чиқади. У ўз нутқида қорақалпоқ ерларини Россияга қўшиб олишнинг баъзи хусусиятларига тўхталиб ўтади. Қорақалпоқларнинг Россияга қўшилиш йўлидаги интилишлари Россия Хива ҳонлигини забт этганидан анча илгариёқ пайдо бўлган эди. Ўша даврда қорақалпоқ халқининг социал тузуми патриархал-феодал тузум эди.

Қорақалпоқ ерларининг Россияга қўшиб олинишининг энг муҳим прогрессив оқибати шундан иборат бўлдики, дейди нотиқ, қорақалпоқ халқи меҳнаткаш рус халқи билан бевосита алоқа боғлаш имкониятига эга бўлди. Қорақалпоқ халқи рус ишчилар синфи каби ўз оғасига эга бўлди. Рус ишчилар синфи Ленин партиясининг раҳбарлигида чор Россиясидаги мазлум халқларнинг ҳаммасини озодлик, социализм йўлидаги курашга бошлаб борди.

Ўзбекистон Давлат университетининг профессори **У. Т. Турсунов** айтадики, миллий адабий тиллар социализм давридагина бутун инсоният тарихида биринчи марта халқнинг мулки бўлиб қолди. Мамлакатимизда социалистик экономика ва маданий қурилиш соҳасида эришилган жуда катта муваффақиятлар натижасида ўзбек адабий тили ривожланди ва бойиди. Бу тараққиёт ёзувни, даставвал, латин алфавитига ўтиш, сўнгра эса, рус графигига асосланган алфавитга ўтиш йўли билан ислоҳ қилишни талаб этди.

Қозоғистон давлат университетининг профессори **А. Б. Турсунбоев** Совет Қозоғистони экономикаси ва маданиятининг мавж уриб ўсганлиги ҳақида гапиради. У, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг старший илмий ходими **Ш. Н. Улмасбоев** Ҳ. М. Абдуллаев, А. М. Аминов ва И. М. Мўминовларнинг сессияга тақдим этган ҳоллектив докладида айтилган фикрларни ривожлантириб, рус ишчилар синфининг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини кўрсатадиган кўп фактлар келтиради. Ана шу ҳамкорлик республикани социалистик негизда тез суръатлар билан индустриаллаштиришни таъмин этди.

Тарих фанлари кандидати **А. А. Русляков** (Туркманистон ССР Фанлар академияси) айтадики, сессиядаги докладлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти ҳақидаги масалада ягона фикрга келиш юзасидан анчагина ишлар қилинган. Нотиқ кўрсатадики, маданий юксалиш масалаларини ёритганда, бунда гап чинакам маданий революция тўғрисида бораётганлигига, ҳар қандай революция каби маданий революция ҳам янгиликнинг эскиликка қарши кескин курашида содир бўлганлигига баъзан етарли даражада эътибор берилмайди. Марксизм-ленинизм — мамлакатимиздаги маданий революциянинг идеологик негизидир. Шу муносабат билан нотиқ Ўрта Осиёда ва жумладан, Туркманистонда марксизм-ленинизм ғояларининг ёйилишига доир масалаларга тўхталиб ўтади.

Тарих фанлари кандидати **К. К. Урозалиев** (Қирғизистон ССР Фанлар академияси) ўз нутқида Қирғизистон ССР тарихининг айрим босқичлари ҳақида гапиради. Нотиқ Ўрта Осиёнинг миллий давлат чегараланиши жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайди. Миллий чегаралаш Ўрта Осиё республикалари халқларига иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиётнинг кенг истиқболларини очиб берди, давлат ҳокимияти органларини кенг халқ оммасига ғлада кўпроқ яқинлаштирди. Миллий чегаралаш қирғиз халқини ягона совет автоном области доирасида, сўнгра эса, автоном республикаси доирасида ва ниҳоят, иттифоқчи республика доирасида қайта бирлаштиришга ёрдам берди. Қирғиз халқи СССРдаги қардош халқлар оиласида социалистик экономика ва маданият қурилиш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди.

Қозоғистон Давлат университети тарих-филология факультетининг декани доцент **Х. М. Одилгиреев** Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ражабовнинг ва тарих фанлари доктори А. В. Пясковскийнинг докладларида баён қилинган айрим қоидалар ҳақида баҳслашди. У айтдики, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятининг назарий томони марксизм-ленинизм классикларининг асарларида батафсил ишлаб чиқилган.

27 май кечки мажлисининг охирида Туркманистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходими, тарих фанлари кандидати **С. Г. Агажонов** сўзга чиқди. У, рус ва туркман халқлари ўртасидаги тарихий алоқалар тўғрисида гапирди.

* * *

28 май эрталабки мажлис Тожикистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **З. Ш. Ражабовнинг** нутқи билан бошланди. У, сессияда тингланган докладлар ҳақида ўз мулоҳазаларини айтди.

Тарих фанлари доктори **В. И. Шунков** (СССР Фанлар академияси) ўз нутқида Ўрта Осиё халқлари билан Россия территориясида яшаган халқлар ўртасида қадимдан буён алоқа борлиги тўғрисида гапиради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **Р. Н. Набиев** ўз нутқида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ҳақида баъзибир мулоҳазаларни айтди.

Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Б. Ж. Жомгерчинов** Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши билан боғлиқ бўлган барча масалаларга марксча чуқур ёндошиш муҳим эканлигини таъкидлайди.

Тарих фанлари доктори **А. В. Фадеев** (СССР Фанлар академияси) айтадики, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши Ўрта Осиё халқларининг келгусидаги тақдири учун прогрессив аҳамиятга эга бўлди, чунки у мазкур халқларни революцион рус пролетариати билан яқинлаштирди.

Тарих фанлари кандидати **А. Илёсов** (Туркманистон ССР Фанлар академияси) ҳам ўз нутқида Ўрта Осиё аҳолисининг рус қўшинларига муносабати тўғрисидаги масалани кўтарди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва ҳуқуқ институти директорининг ўринбосари **О. Э. Эшонов** Октябрдан кейинги даврга тўхталиб, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Туркистон комиссиясининг фаолиятини батафсил ўрганиш муҳим эканлигини таъкидлайди. Туркистон комиссиясининг тузилганлиги Совет Туркистони тўғрисидаги ленинча ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эди. Ўртоқ Эшонов Туркистон ўлкасини социалистик негизда қайта қуришда бу комиссиянинг жуда катта роль ўйнаганлигини кўрсатувчи бир неча қизиқарли ҳужжатлар келтирди.

Тожикистон давлат университети КПСС тарихи кафедрасининг мудири **М. И. Эркаев** Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши бу ўлкада марксизм идеяларининг тарқалишига қандай ёрдам берганлиги тўғрисида сўзлади.

СССР Фанлар академияси этнография институтининг старший илмий ходими **Т. А. Жданко** ўз нутқини Ўрта Осиёда миллатларнинг шаклланиш проблемаларига бағишлади.

Докладларни муҳокама қилишда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон олимлар коллективлари, шунингдек СССР Фанлар академиясининг вакиллари билан бирга Киев университетининг профессори **А. А. Введенский**, Грузия олими **С. С. Анчабадзе**, Эстония ССР Фанлар академияси тарих институтининг директори **В. А. Маамягилар** ҳам қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **К. Е. Житов** сессияда муҳокама қилинаётган проблемалар мураккаб проблемалар эканлигини таъкидлайди. У, Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинишидан илгари ўлкадаги ҳонликларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий аҳволига берилган баҳоларга таяниб, чор қўшинларининг Туркистонга қилган ҳужумига умум миллат, умум халқлар қаршилиги тўғрисидаги фикрга қўшилмайди.

К. Е. Житов Ўрта Осиё халқлари зиёлиларининг шаклланишида рустуб аҳоли мактабларининг прогрессив роль ўйнаганлигини таъкидлайди.

«Вопроси истории СССР» («СССР тарихи масалалари») журналининг бош редактори, тарих фанлари доктори **М. П. Ким** сўз олади. Миллий масала, дейди у, илмий коммунизм назарияси ва практикасининг энг муҳим проблемаларидан биридир. Совет мамлакати ўттиз йил мобайнида шундай бирдан-бир мамлакат бўлдики, бунда марксизм-ленинизм илмий идеяларининг ҳаётийлиги текширилди ва қарор топди. Ҳозирги вақтда бошқа кўп мамлакатлар коммунизм қурилиши масалаларини, шу жумладан миллий масалани амалий равишда ҳал қилишга киришдилар. Шу сабабли миллатларнинг ҳамкорлиги соҳасида Совет мамлакатида тўпланган тажрибани илмий жиҳатдан умумлаштириш вазифаси жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан нотиқ сессия муҳокамасига қўйилган масалалар гоят муҳим эканлигини таъкидлайди. Бу масалаларни чуқур ўрганиш совет тарих фанини бойитади.

Докладларни муҳокама қилишда Тожикистон ССР Фанлар академияси тарих, археология ва этнография институти секторининг мудири **А. М. Мухторов**, СССР Фанлар академияси тарих институтининг старший илмий ходими **С. И. Якубовская**, Андижон педагогика институти тарих кафедрасининг мудири **Б. Ёқубов**, Қозоғистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори **С. Толибеков**лар ҳам қатнашдилар.

Бирлашган илмий сессия ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Халқлар дўстлиги кечалари

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишлаб Тошкентда ўтказилаётган бирлашган илмий сессия Ўзбекистон жамоатчилигининг диққат марказида турибди.

27 майда ўтказилган халқлар дўстлиги кечалари Тошкент областидаги Калинин ва Қорасув районлари колхозчиларининг ҳотирасида узоқ вақтларгача сақланиб қолади. Москва ва Ленинград, Украина, Ўрта Осиёдаги қардош республикалар, Қозоғистон, Болтиқ бўйи, Закавказье республикалари, Молдавия, Татаристон, Бошқирдистон, Кабарда-Балқар, Ёқутистон олимлари ана шу районлардаги қишлоқ меҳнаткашларида меҳмон бўлдилар.

Меҳмонлар бир замонлар қақраб ётган жойда барпо этилган узумзорга келдилар. Колхозчилар ана шу участкада кўп меҳнат сарф қилдилар. Натижада бу ерда 102 хил узум етиштирила бошлади. Колхозчиларнинг меҳнати мўл самара берди!

Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти А. С. Сумбатзода бундай деди:

— Ўзбек сўзини рус тилига таржима қилганда «себе хозяин» деган маънони англатади. Аммо революциядан илгари бу сўзни калака қилиб ишлатар эдилар. Ўзбек Улуғ Октябрдан кейингина ўз ерининг, ўз тақдирининг хўжайини бўлиб қолди!

Академик И. И. Минц қуйидагиларни айтди:

— Сизнинг илҳомбахш меҳнатингиз бу ерга ҳусн киритди. Бу ернинг кўп ноз-неъматлар берадиганлиги ажабланарлик бир ҳол эмас!

Тарих фанлари доктори, москвалик М. П. Ким суҳбат вақтида айтдики, колхозларда учрашув символик учрашувдир: руслар ва ўзбеклар, грузинлар ва озарбайжонлар, арманлар, корейслар, молдаванлар бу ерга тўпландилар. Ахир бу учрашув коммунизм қуришдан иборат юксак гоялар билан жипслашган халқлар қардошлиги ва дўстлигининг жонли тимсоли эмасми!

Колхоз раиси Т. Нурмуҳамедов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Ҳ. М. Абдуллаев меҳмонларни дўстона табрикладилар.

Меҳмонларга чопонлар, дўппилар, гулдасталар тақдим этилди.

Туркманистон олимларининг бир группаси Қорасув районидаги Свердлов номли колхозга борди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари, тарих фанлари кандидати Ш. Ташлиев колхоз аъзоларини самимий табриклади.

Колхоз раиси М. Исмоилов ва Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Ф. Х. Хўжаев меҳмонларни самимий табрикладилар.

Украина, Литва, Эстония, Молдавия, Бошқирдистон, Татаристон, Кабарда-Балқар, Ёқутистон олимлари Калинин районидаги Карл Маркс номли колхозга келдилар.

Колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ғ. Абдуллаев меҳмонларга далаларни, механикалаштирилган чорвачилик фермасини кўрсатди.

Калинин районидаги Ленин номли колхознинг аъзолари Қозоғистон олимларини кутиб олдилар. Меҳмонларнинг илтимосига мувофиқ, колхоз раиси Х. Аҳожонов хўжаликнинг аҳволи тўғрисида, колхозчиларнинг мўл ҳосил етиштириш ва жамоат чорвачилиги маҳсулдорлигини ошириш учун олиб борилаётган курашида эришган муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди. Қозоғистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг директори А. Юсупбеков ва Қозоғистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори С. Талимбеков колхозчиларни илмий сессиянинг ишлари билан, Қозоғистон олимларининг янги асарлари билан таништирдилар.

Қардош Тожикистон олимлари делегацияси икки группага бўлиниб, Калинин районидаги Куйбишев номли ва Киров номли колхозларда бўлди.

Илмий сессияда қатнашаётган Қирғизистон делегацияси аъзолари Калинин районидаги Сталин номли колхозга бордилар.

Колхозчиларнинг олимлар билан учрашуви Совет Иттифоқи халқлари қардошларча дўстлигининг ёркин намойишига айланди. (ЎзТАГ).

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Вашингтонга келди

ВАШИНГТОН, 27 май. (ТАСС) СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШнинг собиқ давлат секретари Ж. Ф. Даллесни дафн этиш маросимида қатнашиш учун бугун Вашингтонга келди. СССР Ташқи ишлар министрлиги Америка мамлакатлари бўлимининг мудири А. А. Солдатов А. А. Громикога ҳамроҳ бўлиб келди. Вашингтон аэропортида А. А. Громикони СССРнинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков ва Вашингтондаги совет элчихонасининг ходимлари, АҚШ давлат департаментининг вакиллари, шунингдек Америка ва чет эл мухбирлари кутиб олдилар.

Аэропортда А. А. Громико матбуот вакилларига қуйидаги баёнотни берди: «Мен, собиқ давлат секретари Даллесни дафн этиш маросимида қатнашиш учун АҚШга келдим. Мен, Даллес жаноблариии кўпдан бери — қариб 15 йилдан бери билар эдим. Мен у билан бирга кўпгина халқаро конференцияларда қатнашдим ва халқаро аҳамиятга эга бўлган кўпгина масалаларни муҳокама қилдим. Кўпгина проблемалар бўйича, шу жумладан муҳим халқаро проблемалар бўйича орамизда тафовутлар бор эди, албатта. Бироқ, Даллес жаноблари атоқли давлат арбоби ҳамда дипломат бўлганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Даллеснинг дафн этилиши

ВАШИНГТОН, 28 май. (ТАСС). Кеча бу ерда Арлингтондаги миллий қабристонда Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат секретари Даллеснинг жасади дафн этилди. Дафн этиш маросимида Қўшма Штатлар президенти Эйзенхауэр, вице-президент Никсон ва АҚШ ҳукуматининг бошқа аъзолари, бир қанча чет давлатларнинг ташқи ишлар министрлари, шу жумладан СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Қисқа хабарлар

▲ Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ежи Моравский бошчилигидаги Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети делегацияси Хитойдан Варшавага қайтиб келди. Делегация Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан Хитой Халқ Республикасида меҳмон бўлди.

▲ «Юманите» газетасининг хабар беришича, Жазоир шаҳрининг ҳарбий трибунали француз солдати Альбан Лиештини икки йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилган. Бу француз ватанпарвари бир вақтлар Франция Республикаси президентига хат юбориб, Жазоир қўзғолончиларига қарши жангларда иштирок этишдан бош тортганлиги сабабларини баён этиб берган эди.

▲ Немис матбуот союзи ва Германия демократик юристлари бирлашмасининг ташаббуси билан Берлинда Греция миллий қаҳрамони Манолис Глезоснинг озод қилиниши учун курашувчи немис комитети тузилди. Комитет составида таниқли юристлар, журналистлар, санъат арбоблари, корхоналарнинг вакиллари бор.

▲ Иккала герман давлатидаги аҳоли кенг табақаларининг норозилиги натижасида машҳур немис жамоат арбоби, Германия Коммунистик партиясидан бундестагнинг собиқ депутати Вальтер Фиш қамоқдан озод қилинди. В. Фиш милитаризмга ва янги уруш тайёргарлигига қарши кураш олиб борганлиги учун 1958 йил июнь ойида гарбий герман суди томонидан уч йил муддат билан қамоққа ҳукм қилинган эди.

▲ Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Братиславада «Братислава баҳори» музика фестивалида Бутуниттифоқ радиоси ва телевидениесининг РСФСР халқ артисти А. Гаук раҳбарлигидаги катта симфоник оркестри концерт берган. Оркестр Гайднинг, Кара Караевнинг, Хачатурян ва Чайковскийнинг асарларини ижро этган. Концерт зўр муваффақият билан ўтган.

▲ Яқинда Мексикада ер қимирлади. Олинган маълумотларга кўра, Ночистлан ва Тепосколула шаҳарларида кўпчилик бинолар вайрон бўлган ёки жиддий шикастланган. Оахака шаҳри жиддий зарар кўрган.

27 май. (ТАСС).



Германия Демократик республикаси. Суратда: Берлиндаги Фрухтшрасс ва Тильзитерасс кўчалари оралиғида қурилган уй-жой бинолари. Вайс фотоси. (Центральбильд).

Физкультура ва спорт

ШАҲАР ГАЗЕТАСИНИНГ МУКОФОТИ УЧУН

Олмалиқ шаҳрида яқинда «Алмаликский рабочий» газетасининг мукофоти учун эстафета ўтказилди. Эстафетада ишлаб чиқариш корхоналаридан 7 та ва мактаблардан 5 та коллектив қатнашди.

Шаҳар газетасининг кўчма мукофоти ва биринчи даражали диплом механизация базаси спортчиларига берилди. В. И. Ленин номли мактаб командасига эса биринчи даражали диплом берилди.

ЗАВОД ФУТБОЛЧИЛАРИ

Тошкент кабель заводида физкультура ва спорт ишлари анча яхши йўлга қўйилган.

Яқинда завод стадионида шаҳар саноат корхоналари футбол командалари ўртасида ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Учрашувларда завод футбол командаси «Ташсельмаш» заводи футболчиларини 4:3 ҳисоби билан, канап фабрикаси спортчиларини 6:1 ҳисоби билан ютди. Шунингдек Тошкент экскаватор заводи ва ремонт-механика заводи командалари билан бўлган учрашувда ҳам «Ташкабель» футболчилари ғалаба қозондилар.

Команданинг Ж. Голованов, С. Пулсинков каби футболчилари ўртоқлик учрашувларида маҳорат билан ўйнадилар. Ёшларнинг футбол билан шуғулланишлари соғлом ўсишлари ва унумли меҳнат қилишларида ёрдам бермоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Тошкент шаҳар Советининг барча депутатларига билдирадики, шу йил 2 июнь ҳеч соат 4 да меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси очилади.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида ўтказилади. Депутатларни рўйхатга олиш 2 июнда шу ерда соат 3 дан бошланади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Телевизор экранида

29 МАЙДА

19.00. Халқаро обзор.
19.15. Бадиий фильм — «Ниевлик қиз». (2- серия).
20.45. Сўнгги ахборот.
21.00. Свердлов номли концерт залидан ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестрининг концерти олиб кўрсатилади.
21.45. «Тунги меҳмон» номли телевизион фильм.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 29/V да **Ганг дарёсининг қизи**, 30/V да **Янгиер**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/V да **Дилором**. СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Галия Измайлова**, **Саттор Яраше** қатнашади. Автор ва дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий**, 30/V да **Майсаранинг иши**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Комсомол кўлидаги ёзги бино) — 29/V да **Ватан ишқи**, 30/V да **Равшан ва Зулхумор**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Май юлдузлари**, кеч соат 9 да **Булутли тонг**, кеч 10-40 минутда **Қутлуғ қон**.

«ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ», «УДАРНИК» — **Май юлдузлари**.

«ОКТЯБРЬ» — кеч соат 9-20 минутда **Узоқ соҳилларда**, кеч 11 да **Лауранинг қайлиғи**.

«ИСКРА» — кеч соат 7-40 минутгача **Ўгай она**, кеч соат 8-20 минутда **Амирликнинг емирилиши**, кеч 9 да **Ўрмондан чиққан уч киши**.

КАФАНОВ номли — кеч соат 9-20 минутда **Май юлдузлари**, кеч 11 да **Лауранинг қайлиғи**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Май юлдузлари**, кундуз соат 4 да **Унинг даври келади**, кеч 8 ва 10 да **Телба**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1-залда **Май юлдузлари**, 2-залда **Дон Сезар де Базан**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
29 майда,
ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА
(ёзги театр)
30 ва 31 майда
Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВНИНГ
КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳархоним Раҳимова, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Башорат Хўжаева, Тўхта Рисметова, Нина Гайер** ва бошқалар қатнашади.

Концертлар: Эстрада театрида — кеч соат 8 яримда, Пушкин номли паркда — кеч 9 да бошланади.

ТЕЗ КУНДА
А. Муҳитдин асари
2 бўлимда эстрада тамошаси
АФАНДИ ШАҲАР КЕЗАДИ
Ғ. Қодиров музикаси.
Режиссёр — **М. Асадуллаев.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
30, 31 майда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ
катта концертлари

Концертда: СССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Борухова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Дилором Шерова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Фозил Харратов**, филармония солистларидан **Тўхта Иўлдошева, Раима Ҳакимова, Маҳмуд Муҳамедов, Тоштемир Шарипов, Карим Мўминов, Ғафур Иноғомовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Каблуков кўчаси, 63- уйда турувчи **Василий Тихонович Сметанининг** шу уйда турувчи Евгения Иосифовна Переверзевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 1- участка халқ судида кўрилади.

1-Пушкин тупик, 5-уйда турувчи **Эльга Артаваздовна Меликкарамяннинг** Навоий кўчаси, 26-уй, 12- квартирада турувчи Анатолий Фёдорович Вижневдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8- участка халқ судида кўрилади.

Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институтининг ишлаб чиқариш бўлими
ҳар куни эрталаб соат 9 дан кундуз 4 гача
қон берувчи донорлар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Адрес: Педагогическая кўча, 28/30 уй (8, 10, 11-трамвайнинг «Туркман бозори» ва 3-троллейбусининг «Баранов» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040.135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01362. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1601.